



Динлар



Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал (6-сон, Жумодус соний, 1434)



Малайзияда муваффақиятли амалга оширилаётган "Ислом ҳадари" концепциясининг мухтасар шарҳи



Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф (раис)
Тоҳир Малик.
Эркин Малик.
Абдулҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.
Муҳаммад Зуфар.
Озод Мунаввар.
Исмоил Муҳаммад Содиқ
Анвар Аҳмад

“Ҳилол” ойлик электрон журнали. 6-сон.
Муассис: “Ҳилол” нашрети МЧЖ (Москва)
Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад
Бош директор: Абу Муслим
Дизайнер: Беҳзод Вафоев

УСТОЗГА ЭҲТИРОМ

Ҳаммамизнинг у ёки бу соҳада устозимиз бор. Бировимиз бир устоздан касб-ҳунар ўрганганмиз. Бошқамизга мактаб ва олий ўқув юртларида бир неча устозлар турли илмлардан сабоқ беришган. Кимдир дунё ва охиратиغا фойда берувчи исломий илмларни қайсидир бир устоздан ўрганган. Хулласи, бирор инсон йўқки, дунё ҳаётининг бирор жабҳасида бир устознинг этагидан тутмаган бўлсин ёки бир мураббийга иши тушмаган бўлсин.

Устозларнинг меҳнати, шогирдларига илмни тушунтириб етказишдаги заҳмати, бу йўлда чеккан беҳисоб машаққатини таърифлашга сўз етмайди. Шунинг учун олимларга эҳтиром кўрсатишга, уларнинг иззатини жойига қўйишга, хизматларини адо этишга бурчлимиз. Айниқса, дин илмини ўргатган устозларимизга кўпроқ эътибор ва марҳамат кўрсатишимиз зарур. Чунки дунёвий илм ёки бир касб-ҳунар ўргатган устоз дунё ҳаётининг камоли ва равнақи учун ёрдам берган бўлади. Диний илм ўргатувчи устозларнинг эса ҳам дунё, ҳам охирати-мизга фойдаси тегади, улар бизни жаҳаннам оловидан паноҳ топишимизга сабабчи бўлишади. "Олимлар эҳтиромга лойиқ буюк инсонлардир. Илм билан мустаҳкамланмаган ҳар қандай улўғликнинг оқибати хорликдир", деган эди Аҳнаф ибн Қайс.

Аждодларимиз устозни ҳурматлаш, унинг шаъни ва иззатини кўтариш бобида ғоятда катта ибратни қолдиришган. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳунинг уловлари тизгинини ушлаб, унга миннатида ёрдам бературиб бундай деганлар: "Уламоларга шундай хизмат қилишга буюрилганмиз. Агар шогирд улўғлик сифати-га етмай туриб, ундан фахрланиб кибрланса, жохилдир. Зеро, илм-ҳикмат мўмин кишининг йўқотган нарсасидир, қачон топса, уни олишга ҳақли".

"Ҳидоя" муаллифи, шайхулислом Бурҳониддин Марғинойий ҳикоя қиладилар: "Бухорои шарифнинг улўғ олимларидан бирлари дарс халқасида эдилар. Дарс асносида гоҳо ўринларидан туриб қўяр эдилар. Зийрак толиблар бунинг сабабини сўрашди. У зот камоли эҳтиром билан: "Меҳрибон устозимнинг фарзандлари кўчада болалар билан ўйнаб юрибдилар. Гоҳида ўйин билан машғул ҳолда эшик олди-га келсалар, устозим ҳурматидан дарҳол ўрнимдан туряпман", деб жавоб қилдилар.

Яна ҳикоя қилишадикки, Имом Бухорий (раҳимаҳуллоҳ) бир муддат Маккаи мукаррамада дарс берганлар. Бир зиёратчи Имом ҳазратларига Бухорои шарифдаги устозларидан салом ва мактуб келтиради. Шунда Имом Бухорий зиёратчининг устозлар юртидан келганини билиб, уни кучоқ очиб кутиб олганлар ва чексиз эҳтиром кўрсатиб меҳмон қилганлар. Ундан салом хабарини эшитганларида Бухорои шариф томонга юзланиб, саломга алик олганлар ва табарруқона мактубни икки қўллаб олиб, эҳтиром билан танишиб чиққанлар.

Марвлик қози Имом Фахриддин ал-Арсобандий вилоятдаги барча олимларнинг раиси эди, у зотни Марв султони ҳам қаттиқ ҳурмат қилар эди. Шу киши айтган эканлар: "Устозимнинг дуолари баракотидангина шундай мартабага эришдим.

Ҳмиша устоз хизматларини ва ҳурматларини ўринлатишга интилдим. Устозим қози Имом Абу Язид Дабусий хизматларига қуш мисоли учар эдим. Кийимларини ювиб, пойабзалларини тозалаб, таомларини ҳозирлар, устоз овқатланиб бўлгунларича ўзим тановул қилмас эдим".

Бухоронинг Мир Араб мадрасасида ўтган аср ўрталарида Шаҳобиддин қори исмли улўғ мударрис кўп йиллар дарс берганлар. Шу зотнинг ҳикоя қилишларича, ҳар куни эрталаб турсалар барча устозларнинг ҳужра эшиги олдида қолдирган пойафзаллари ювилиб, тозалаб қўйилар экан. Кимдир бу билан чекланмай ҳатто ҳожатхоналарни тозалаб, таҳоратга сув иситиб қўя бошлабди. Буни ким қилаётганини билмоқчи бўлиб кўп пойлашибди, лекин бу ҳиммати улўғ шогирд ўзини ҳеч кўрсатмабди. Ниҳоят бир куни уни "қўлга туширишибди". Андижонлик бир талаба экан. Шаҳобиддин қори хижолатликдан ерга қараб турган шогирдга "Қиблага қараб, қўлингни дуо-га оч", дебдилар. У айтганларини қилибди. "Ўзинг ҳам олим бўл, зурриёдларингдан ҳам фақат олимлар чиқсин", деб дуо қилибдилар. Дарҳақиқат, устозлар дуоси ижобат бўлиб, бу зотнинг ўзлари ҳам олим бўлдилар, фарзандлари ҳам олим бўлишди, ҳатто бир фарзандлари дунёга машҳур аллома бўлиб етишди, набиралари ҳам исломий илм соҳиблари бўлиб улғайишди.

Ҳазрат Али розияллоҳу анҳу илм ўрганувчига қарата бундай деганлар: «Олимнинг сендаги ҳақларидан бири – сен одамларга омматан салом бериб, муаллимга хос салом беришингдир. Унинг рўбарўсида ўтиришинг, унинг ҳузурда қўлинг билан ишора этмаслигинг, кўзингни қисмаслигинг, устозга керагидан зиёда савол бермаслигинг, жавоб беришида унга ёрдам бермаслигинг, агар хоҳламаса, унга қайта-қайта савол бермаслигинг, устоз туришга ҳаракат қилганда унинг кийимларидан ушласлигинг, унинг сир-асрорларини фош этмаслигинг, устоз ҳузурда бирон-бир кишини ғийбат қилмаслигинг, уни бирон-бир масалада хато қилишини ҳеч қачон тиламаслигинг, устоз агар ногоҳ адашса, узрини қабул этишинг, устозга қарата: «Мен фалончи бундай деганини эшитдим» ёки «Фалончи сизнинг хилофингизга гапирди», деб айтмаслигинг, устоз ҳузурда бирон-бир олимни тавсифламаслигинг, узун суҳбатидан ҳеч қачон малолга келмаслигинг, устоз хизматидан ўзингни олиб қочмаслигинг лозим бўлади. Устознинг бирон ҳожати чиқиб қолса, уни адо этиш учун барча қавмлар чопишади. Устоз гўё бир хурмо дарахтига ўхшайдики, сен ундан бирон нарсга тушишини пойлаб турасан". Имом Ҳасан (розияллоҳу анҳу) айтдилар: «Уламолар бўлишмаганида эди, инсонлар гўё ҳайвонларга ўхшаб қолишарди».

Суҳбатимизни Имом Раббоний ҳазратларининг бир фикрлари билан якунламоқчимиз: "Паҳлавонга раҳмингиз келсин, чунки у бир куни кучдан қолмоғи мумкин. Бойга ҳам раҳмингиз келсин, чунки унинг бойлиги ҳам мангу эмас. Лекин кўпроқ олимга шафқат қилинг, у бечоранинг умри нодонлар орасида хору зорликда ўтиб кетмасин".

ЗАКОТИ БЕРИЛМАГАН МОЛ-ДУНЁ КАСРИ

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

يَوْمَ يُحْمَى عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فَتُكْوَى بِهَا جِبَاهُهُمْ
وَجُنُوبُهُمْ وَظُهُورُهُمْ هَذَا مَا كَنَزْتُمْ لِأَنفُسِكُمْ فَذُوقُوا مَا
كُنْتُمْ تَكْنُزُونَ



Бир куни ўшалар (олтин-кумушлар) жаҳаннам оташида қизитилур ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» дейилур.

(Тавба сураси, 35-оят).

Бу оятдаги олтин ва кумуш, яъни молу дунё тўплаш ҳақидаги маънолар кўпчиликни чўчитиб қўйган. Ҳатто саҳобаи киромлар ўртасида ҳам турли саволлар туғилган. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тушунтириш берганлар.

Имом Абу Довуд ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади: «Олтин ва кумушни жамғариб...» ояти нозил бўлганда мусулмонларга оғир келди. «Биздан бирор киши ҳам ўзидан кейинги фарзандига мол-мулк қолдирмас экан-да», дейишди. Шунда Умар розияллоҳу анҳу: «Мен сизларни бу кўнгилсизликлардан чиқараман», дедилар-да, юриб кетдилар. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва-

салламнинг ҳузурларига келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули! Саҳобаларингизга бу оят катта нарса бўлиб кўринди-ку», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ закотни беҳудага эмас, балки молларингизни поклаш учун фарз қилган. Меросни эса фақат орқангиздан қоладиган мол учун фарз қилган», дедилар. Шунда Умар розияллоҳу анҳу: «Аллоҳу акбар!» дея такбир айтиб юбордилар. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига: «Сенга эр киши учун энг яхши хазина нималигини айтайми? Аҳли солиҳ хотинки, унга назар солса, хурсанд қилади, бир иш буюрса, итоат этади. Эри ундан ғойиб бўлса, муҳофаза қилади», дедилар».

Шу ва шунга ўхшаш ҳадисларга суянган ҳолда оят-

даги аламли азобга сабабчи бўладиган жамғарма закоти берилмаган молу дунё экан, деган хулосага келинади. Дарҳақиқат, закотини бермай, мол тўплаганлар аламли азобга дучор бўладилар.

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Закотни адо қилмаган ҳар бир одамга қиёмат куни ўтдан тамға қилиниб, ёнбошига, пешонасига ва орқасига босилади. У куннинг миқдори эллик минг йилга тенг бўлади, то одамлар орасида ҳукм чиқариб бўлгунча, тамға босилаверади. Сўнгра ё жаннатга, ё дўзахга йўли кўрсатилади», – деганлар.

Бошқа бир ҳадисда Набий соллаллоху алайҳи васаллам: «Ким ўзидан кейин хазина қолдирса, қиёмат куни унга икки қора нуқтаси бор кўзойнакли илон бўлиб кўринади. Унинг орқасидан қувлаб юради. Ундан: “Сен нимасан ўзи?” деб сўраса: “Мен ўзингдан кейин қолдириб кетган хазинангман”, дейди. Сўнгра яна орқасидан қувиб боради. У қўлини тутати. Илон қўлини тишлаб, ютади ва тананинг қолганини ҳам юта бошлайди», деганлар.

Бундан олдин мушриклар ҳақидаги ниҳойи ҳукмлар айтилган эди. Мушрикларга тегишли ҳукмлар унча кўп тортишувларга сабаб бўлмайди. Чунки бу ҳукмлар асосан Арабистон ярим оролига хос бўлиб, сабаблари юқорида баён этилди. Уларнинг ҳаммаси Исломни қабул қилдилар.

Аммо аҳли китобларга оид гап-сўзлар, тортишувлар жуда кўп. Шунинг учун бу мавзунини бир оз шарҳлашга тўғри келади. Худди мушриклар ҳақидаги ниҳойи ҳукмга ўхшаб, аҳли китоблар ҳақидаги ниҳойи ҳукм ҳам бирданига нозил бўлгани йўқ. Бу оятлар нозил бўлгунча қадар анчагина гап-сўзлар, муомалалар ва воқеалар бўлиб ўтган. Ана ўшалар асосида охириги қарор сифатида ушбу оятлар нозил бўлган.

Маълумки, Маккаи Мукаррамада аҳли китоблар кўп эмас эди. Варақа ибн Навфалга ўхшаш баъзи бир шахслар турли сабабларга кўра, аҳли китоблар билан алоқада бўлиб, уларнинг динини қабул қилган бўлиши мумкин. Улар Исломга ва мусулмонларга яхши муносабатда бўлганлар. Айримлари Исломга кирганлар ҳам. Кейинчалик Мадинаи Мунавварада ҳам баъзи яҳудийлар Исломга кирдилар. Қуръони каримда бунга ўхшаш аҳли китобларни мадҳ этувчи ояти карималар бор.

Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг хижратларидан кейин аҳли китоблар билан алоқалар кучайди. Бунга аввало, Мадинаи Мунавварада яшаб турган яҳудийлар сабабчи бўлдилар. Улардан Абдуллоҳ ибн Салом розияллоху анҳуга ўхшаш Аллоҳ ҳидоят берганлари мусулмон бўлиб, ажрларини икки хисса олиш бахтига муяссар бўлдилар. Лекин асосий гуруҳ биринчи кунданоқ Исломга ашаддий душманлик қила бошладилар. Улар мусулмонлар ўртасида фитна чиқаришга уринишдан ҳеч ҳам тўхтамадилар. Ислом дини, Қуръони карим ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳақида турли иғво-бўхтонлар тарқатишда бир лаҳза ҳам сустлашмадилар. Биринчи кундан бош-

лаб Қуръони карим оятлари уларнинг хатоларини очиқ айтиб, ўзларини ўнглашга чақирса ҳам, кўнмадилар. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул исмли яҳудий экани ҳаммага маълум. Қибла Байтул Макдисдан Маккага – Каъбага ўзгарганда ҳам яҳудийлар катта ифвогарлик сафарбарлигини ўтказдилар. Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг сеvimли аёллари Оиша онамизни зинода айблаб, ёлғондан иғво тарқатганлар ҳам ўшалар. Мушрикларни тўплаб, мусулмонларга қарши урушга гиж-гижлаганлар ҳам ўшалар. Охири бориб, Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар улар билан сулҳ тузишди. Тинчлик-омонликда бир-бирини ҳурмат қилиб яшашга келишилди. Аммо яҳудийлар бу сулҳга ҳам хиёнат қилдилар. Оқибатда Бану Қайнуқоъ, Бану Назир ва Бану Қурайза номли яҳудий қабилалари билан урушишга мажбур бўлинди. Яҳудийлар Набий соллаллоху алайҳи васалламни ўлдириш учун суиқасд ҳам уюштирдилар. Фақат Аллоҳнинг иноятигина у зотни сақлаб қолди. Улардан бир кампир Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламга заҳарланган қўй гўшти берди. Хайбарда яҳудийлар билан мусулмонлар ўртасида катта жанг бўлди ва ҳоказо. Шунинг учун уларга нисбатан биз ўрганаётган оятлардаги ниҳойи ҳукмлар чиқарилди.

Аҳли китобларнинг яна бир тоифаси бўлмиш насороларга келадиган бўлсак, биринчи даврларда улар билан яхши алоқалар бўлган. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларидан заифҳолларига насроний подшоҳ Нажошийнинг юрти – Ҳабашистонга боришни, у ерда зулм кўрмасликларини айтганлар. Қуръони каримда насоролар бошқаларга қараганда мусулмонларга яқинроқ эканликларини тасдиқловчи оятлар бор. Айни чоғда худди яҳудийлар каби, насороларга ҳам уларнинг кофир эканликларини эслатадиган, хатоларини ўзларига баён қиладиган оятлар ҳам мавжуд. Баъзи насроний гуруҳларнинг Маккаи Мукаррамага ҳам, Мадинаи Мунавварага ҳам келиб, Қуръони карим тинглашгани, Набий соллаллоху алайҳи васалламга турли саволлар беришгани, кўнгли таскин топганлари Исломни қабул қилганлари маълум ва машҳур. Баъзилари одоб доирасида тортишув ҳам олиб борганлар. Форс давлати билан насроний Рум давлати урушиб, енгилганида, мусулмонлар аҳли китоб румликларнинг мағлубиятидан қаттиқ хафа бўлганлар. Қуръони каримда «Рум» сураси нозил бўлиб, унда тезда румликлар форслар устидан ғалаба қозониши ҳақида хабар берилган эди.

Лекин Арабистон ярим оролида Ислом давлати пайдо бўлганини эшитган румликлар ўзларининг форслар билан давом этиб келаётган душманликларини унутдилар. Улар зудлик билан мусулмонларга қарши аскар тўплай бошладилар. Улар Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг Басрадаги Рум ҳокимига юборган элчилари Ҳорис ибн Умайр Аздийни ўлдирдилар. Одатда элчига ўлим йўқ эди. Аммо насоролар ҳамма амал этадиган қоидага амал қилмай, мусулмонларнинг элчисини ўлдирдилар. Бу ишни улар уруш чиқариш учун қилишган эди. Элчини ўлдириб қўйиб,

яна аскар тўплашни давом эттирдилар. Румликларнинг ўзлари юз минг аскар йиғдилар. Уларнинг Шомдаги иттифоқдошлари ва насроний араб қабилалари ҳам юз минг аскар тўладилар. Мана шу икки юз минг аскар билан мусулмонларни йўқ қилиб ташлаш қасдида эдилар. Саккизинчи ҳижрий сананинг Жумадул улаа ойида улар мусулмонларнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан юборилган уч мингга яқин аскар билан Муъта урушида тўқнашдилар.

Сўнгра Табук жанги бўлди. Тавба сурасида ана шу жанг тўғрисида батафсил баён қилинади. Кўриниб турибдики, насоролар Ислом ва мусулмонлар учун жиддий хавфга айланган эдилар. Шунинг учун уларга нисбатан бу оятларда чиқарилган ҳукмлар ҳеч ажабланарли эмас. Бу воқеъликдан келиб чиққан ҳукмдир.

Бир қарашда мурасасиз кўринган, аммо аслида адолатли ҳукмларнинг содир бўлиш ҳикматлари, бу ҳукмларнинг оятларнинг ўзида айтиб ўтилган етти сабаби ва тарихий воқеълигини ўрганиб чиқдик. Энди ҳукмнинг ўзини ўрганишга, аниқроғи, бу ҳукмнинг жавҳарини тушунишга ҳаракат қилайлик.

Аллоҳ таоло биз ўрганаётган оятларда мусулмонлар жамоасининг аҳли китобларга – яҳудий ва насороларга нисбатан муомаласи қандай бўлишини белгилаб бермоқда. Мусулмон давлатида яшаётган иймонли-Исломли кишилар Аллоҳнинг ер юзидаги халифалари ҳисобланадилар. Улар ер юзида адолат ўрнатиш, зулмни кўтариш, ҳамма ёқда ҳуррият ҳукм суришидан масъулдирлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромлари шу масъулиятни тўлиқ тушунганлар ва ўшанинг тақозоси билан ҳаракат қилганлар. Улар масъулиятни адо этиш учун жиҳодга чиққанлар. Саҳобаларнинг жиҳодларини ва кейинги авлоднинг уни давом эттиришини кўпчилик турлича тушунади, турлича баҳолайди.

Душманлар буни босқинчилик ҳаракати, бошқа юртларни босиб олиш, бойликларини ўзлаштириш, халқларни қул қилиш, дея баҳолайдилар. Ўлкамизнинг ҳақиқий босқинчилари бўлмиш кофирлар бу ҳаракатни «Араб истилоси» деб номлаганлар. Уларнинг айтишича, араблар бостириб келиб, ҳамма ёқни ўзлариники қилиб олганлар. Кишиларни мажбуран Исломга киритганлар. Исломни қабул қилмаганларни ўлдирганлар ёки катта солиқ солганлар.

Ўзини Исломга дўст санаганлар ва кўпчилик мусулмонлар бу зулмкор баҳодан Исломни гўё «ҳимоя» қиладилар. Улар: «Исломда жиҳод фақат ватанни ҳимоя қилиш учун жорий қилинган», «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам давридаги ҳамма урушлар фақат мудофаа учун бўлган», «Қуръони каримдаги оятлар ҳам худди шу маънога далолат қилади», дейдилар. Лекин бу икки тоифанинг даъволарини бир оз ўйлаб, муноқаша қилинса, ҳамма нарсаси равшан бўлади.

Исломий фатҳларни «араб истилоси» дейиш нотўғри эканини душманларнинг ўзлари ҳам билишадди, аммо Исломга қарши нимадир ўйлаб чиқариш керак бўлган. Натижада шу ибора ўйлаб топилган. Чунки фотиҳ мужоҳидлар ичида араб эмаслар ҳам кўп эди.

Шу билан бирга, уларнинг ҳаракати ҳеч қачон истило бўлмаган. Мусулмонлар қаерга борсалар, динга даъват қилиш учун, адолат ўрнатиш учун борганлар. Ўша ерларнинг аҳолиси билан ака-ука бўлиб яшаб қолганлар (душманлар «катта солиқ» деб номлаган «жизья» тўғрисида кейинроқ гаплашамиз). Мусулмонлар ҳеч бир юртнинг молу мулкини талаб, олиб кетмаган. Кишиларни Исломга киришга мажбур ҳам этмаган. Уларнинг муомаласи мустамлакачиларнинг номаъқул муомаласига мутлақо ўхшаган эмас. Буни инсофли ажнабий тарихчилар ва олимлар ҳам такрор-такрор қайд этганлар. Машҳур олим Томас Орланднинг «Исломга даъват» китобида бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган кўпгина ҳужжатли далиллар келтирилади.

Шуниндек, «ҳимоячи»ларнинг гапларига ҳам ўзига яраша эътирозлар чиқади. Масалан, «Агар Исломда жиҳод фақат мудофаа учун жорий қилинган бўлса, нима сабабдан саҳобалар Арабистон ярим оролидан чиқиб, бошқа юртларга бордилар, у ерларда шахид бўлдилар?» деган савол берилса, улар жавоб беришга қийналиб қолишади.

Яхшиси, бу масалани саҳобаларнинг ўзларидан сўраш керак. Тарихда шундай бўлган ҳам. Саҳобаи киромлар Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу бошчиликларида ўша даврдаги иккита катта империянинг бири – Форс давлати чегарасига келиб тушдилар. Бундан хабар топган Форс давлати Рустам исмли лашкарбоши раҳбарлигида тайёргарлигини кўриб қўйган эди. Рустам мусулмонлар томон ўз элчиларини юборди. Форс элчилари мусулмонларнинг бошлиғини тополмай, анча вақт овора бўлишди. Чунки Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг алоҳида ажратилган жойи ҳам, кийими ҳам йўқ эди. У киши лашкарлари билан аралашиб юрар эдилар.

Элчилар у кишини одамлар орасидан топдилар. Ўзларини таништирган элчилар Форс давлати раҳбарларининг мусулмонлар вакили билан гаплашмоқчи эканини билдиришди. Саъд ибн Абу Ваққос орқаларига шундай қараган эдилар, ерда ёнбошлаб ётган, юпун кийинган Робиъ исмли саҳобага кўзлари тушди. Унга: «Сен булар билан боргин, бошлиқлари бизнинг вакилимиз билан гаплашмоқчи экан», дедилар. Робиъ розияллоҳу анҳу бир чапдаст ҳаракат билан найзасига таяниб, от устига сакраб минди ва элчиларга қараб: «Кетдик», деди.

Элчилар лол бўлиб туриб қолдилар. Бир жулдур кийинган «вакил»га, бир ерда ўтирган «амир»га қарашди. Ўзаро бир нималарни гаплашдилар-да, ниҳоят, катталари Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга: «Бундан кўра тузукроқ одам йўқми?» деди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу: «Ичимизда тузугимиз шу, вакил юборишни сизлар сўрадингиз, биз эмас», дедилар.

Ноилож қолган элчилар ўша вакилни олиб, йўлга тушдилар. Қароргоҳга яқинлашишлари билан, элчилар отдан тушиб, таъзим қилиб юра бошладилар. Мусулмонларнинг вакили Робиъ розияллоҳу анҳу эса уларнинг бу кулгили ҳолларини томоша қилиб, отдан тушмай, кулиб, ичкарига кирди. Аммо қоровуллар бир-

дан ёпирилиб, уни отнинг устидан тортиб олишди ва улуғларининг олдида от миниб бориб бўлмаслигини англатишди. Аммо у киши бошини мағрур тутиб, найзасини ерга қадаб-қадаб кета бошлади. У ҳар сафар найзасини ерга урганида, ерга тўшалган бир йўлбарс терисини тешар эди. Робиъ розияллоху анху тўғри бориб, тахтда ўтирган бошлиқнинг ёнидан жой олди. Аммо хизматкорлар дарҳол у кишини пастга ўтиришга мажбур этишди. Шунда Робиъ розияллоху анху: “Бизга сизлар ҳақингизда, адолатли подшоҳларингиз ҳақида хабарлар борар эди. Ҳаммаси беҳуда экан. Агар ўзингизга ўхшаш бир одамга шунчалар таъзим қиладиган бўлсангиз, бизга ҳеч ҳам тенг кела олмай-сизлар”, деди. Форсларнинг каттаси таржимонга: “Ундан сўра-чи, нима учун келишди экан?” деди. Робиъ розияллоху анху бу саволнинг жавобига асрлар бўйи қоида бўлиб қолган жумлани айтди. У: “Аллоҳ таоло бизни бандаларни бандаларга ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга, динларнинг жабридан Исломнинг адлига, бу дунё торлигидан у дунё кенглигига чиқариш учун юборди”, деди.

Ҳа муслмон фотиҳлар бошқа юртларга ўз фойдаларини кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг амрини бажариш учун борганлар. Улар дунёдаги инсонлар қулликнинг турли кўринишларидан озод бўлишлари учун курашганлар. Ер юзида фақат Аллоҳнинг ҳукми барқарор бўлишини истаганлар. Улар ер юзидаги бирон кимсага жабр ва зулмни раво кўрмаганлар. Ҳар ким хоҳлаган динини танлаб, Ислом адолатидан фойдалансин, деб ҳаракат қилганлар. Улар қайси юрт тупроғига қадам қўйсалар, олдин ерлик аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб борганлар. Чунки уларнинг вазифаси кишиларга Аллоҳнинг дини – Исломни етказиш бўлган. Улар ҳақ динга тарғиб қила туриб, одамларга «Муслмон бўл – саломат бўласан ёки динингга қолмоқчи бўлсанг, жия бер. Унга ҳам, бунга ҳам кўнмасанг, ора-мизда уруш бўлади», – дейишган.

Муслмон фотиҳлар: «Биз тажовузкор уруш қилмаймиз, бировни динимизга киришга мажбур ҳам этмаймиз. Биз фақат бошқаларни Исломга даъват қиламиз, ким хоҳласа, мўмин бўлсин, хоҳламаса, кофирлигича қолсин – ўзининг иши. Фақат бизнинг йўлимизни тўсмасин, бошқаларни даъват қилишимизга халақит бермасин. Исломга кирмоқчи бўлганларнинг ҳам йўлини тўсмасин. Бизнинг фикримизча, инсон фақат муслмон бўлгандагина, ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган бўлади. Бу ҳақиқатни одамларга етказиш бизга топширилган. Топшириқни адо этишимизга тўсиқ бўлма! Ким бетараф бўлса, марҳамат, четда тинч-омон тураверсин. Лекин ким бизга қарши чиқса, даъватга йўл бермаса, бошқаларнинг Исломни ўрганишига тўсиқ бўлса, у билан урушишдан бошқа илож қолмайди», – дейдилар. Муслмонларга уруш қилганларга қарши уруш қилинади, холос. Исломий қоида бўйича, уруш пайтида қари кишилар, ёш болалар, аёллар ва ибодатхоналарга тегиш мумкин эмас. Шунингдек, қурол кўтариб чиқмаганлар ҳам тинч қоладилар. Агар Аллоҳ нусрат бериб, муслмонлар ғолиб келсалар, душманни

қуролсизлантириб, уларнинг Ислом соясида тинч-омон яшашлари жорий қилинади. Урушмасдан, дастлабки даъватдаёқ ўз динида қолиб, жия беришни ихтиёр этганлар ҳам муслмонлар билан бирга тинч-омон яшай-верадилар.

Жия одамларни қийнаш учун жорий қилинган солиқ эмас. У ҳар бир бошга мажбурий ҳам эмас, балки қодир кишилардан маълум миқдорда олинадиган тўловдир. Биринчидан, жия Аллоҳнинг динига даъват қилишнинг йўлини тўсмаслик, қарши турмаслик аломати сифатида берилади.

Иккинчидан, жия берган шахсни муслмонлар ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қиладилар. Унинг ўзи, молу мулки ва оила аъзоларининг ҳимоясини ўз зиммаларига оладилар. Жия тўлаган киши ҳарбий хизматдан ва бошқа сафарбарликлардан озод қилинади.

Учинчидан, жия тўлаган киши муслмонлар тақдим этадиган оммавий-ижтимоий таъминотлардан фойда олади. Улар қурган кўприк, йўл, бозор ва бошқа нарсалардан фойдаланади. Қариганда, кексалик нафақаси олади.

Тўртинчидан, муслмонлар жия олгандан сўнг юқорида зикр этилган ишларни бажара олмасалар, жияни қайтариб, эгасига топширадилар.

Умуман, жия масаласига тузукроқ назар солинса, уни ҳар ким ўзи учун бериши аён бўлади. Худди шу маънода муслмонлар ҳам Байтул молга закот, ушур ва бошқа йўллар билан ўз ҳиссаларини қўшадилар. Исломдаги жиянинг адолатини янада яхши тушуниш учун уни танқид қилиб, адолатсиз деганлардан бирининг муомаласига назар солайлик.

Коммунистлар ўз фойдаларини кўзлаб, кишиларни алдаш учун баъзи диний ташкилотлар тузган эдилар. Бу ташкилотларда фақат улар ихтиёр қилган кишилар ишлашига қарамасдан, ўша ташкилотларга ҳам, уларда ишловчиларга ҳам мисли кўрилмаган оғир солиқлар солинар эди. Баъзи бир маиший хизматлар учун диний ташкилот ва ходимлар томонидан тўланадиган ҳақ ҳам бошқалар тўлайдиган тўловлардан ортиқ эди. Бунинг устига, улар диний ишда ишлаган ватандошларга ҳар қандай нафақа беришдан, жумладан, қарилик нафақаси беришдан мутлақо бош тортар эдилар. Хулоса қилиб айтилганда, Худога ишонган одам коммунистларга ҳақ тўлаб, ишониши керак эди. Шу ҳолларига уларнинг бошқаларни танқид қилишларига ҳайронсан.

Демак, аҳли китоблар Исломни қабул қилсалар, муслмонлар билан биродар бўлиб яшайверадилар. Исломни қабул қилмай, жия берсалар, уларнинг ҳимояси, тинчлик-омонлиги ва диний эркинлиги муслмонлар зиммасида бўлади. Муслмонлар ўзлари эришган бахт-саодатга бошқалар ҳам эришишини истайдилар. Ана шу истак йўлидаги тўсиқларга, куфр, зулм ва туғёнларга қарши курашадилар.

(“Тафсири Ҳилол”дан)

ҚУРЪОН ЎРГАНИШГА ҚАЧОН КИРИШАМИЗ?

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларида бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилсалар, уни ўргансалар, албатта, уларнинг устига сакийна тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб олади ва Аллоҳ Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади», дедилар».

(Имом Муслим ва Абу Довуд ривоят қи—лишган).

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бу ҳадисларида бошқа яхши амаллар қатори, илм талаб қилишнинг ва Қуръони Каримни тиловат қилишнинг, уни ўрганишнинг фазлини ҳам баён қилганлари учун муаллиф уни илм китобида келтирганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадиси шарифда ҳар бир мўмин-мусулмон қилиши лозим бўлган яхши амаллардан бир нечасини ва уни бажарган мўмин-мусулмон бандага бериладиган мукофотларни зикр қилмоқдалар.

Шу орқали умматларини ўша яхши амалларни қилишга тарғиб этмоқдалар. Келинг, ўша амаллар ва уларнинг натижаларини бирма-бир кўриб чиқайлик:

«Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради».

Илмга қизиқтириш учун бундан ортиқ тарғиб бўлмаса керак. Ҳар бир инсоннинг олий мақсади жаннат. Жаннатга эришиш учун у ҳар нарса, ҳар қандай қийинчиликларга тайёр. Илм талаб қилиш эса, жаннатнинг йўлига тушишдир. Илм йўли билан борган одам охири жаннатнинг эшиги олдида чиқади.

Кези келганда муҳим бир масалани эслаб қўйиш зарур. Ояти карима ва ҳадисларда зикри келган илм ҳақида кишилар ичида тушунмовчиликлар мавжуд. Баъзилар оят ва ҳадисларда зикр этилган илм—дан мурод диний илмлар, дейишади. Бу нотўғри фикр! Оят ва ҳадисларда зикри келган илм ҳамма фойдали илмларни ўз ичига олади.

Диний илмлар, албатта, биринчи ўринда туради. Аммо бошқа илмлар кўзда тутилмаган дейиш мутлақо нотўғридир.

Агар фақат диний илмлар кўзда тутилса, бу нарса алоҳида қайд қилинади. Мисол учун, Аллоҳ кимга яхшилиқни раво кўрса, динда фақиҳ қилиб қўяди, дейилган ҳадис бор. Шунга ўхшаш бошқа исломий илмлар

ҳақида гап кетганда уларнинг номи ва сифати ҳам зикр қилинади.

Яна бир тоифа кишилар илм ва унинг савоби ҳақида сўз кетганда, ким бўлса ҳам илмни бўлса, ушбу гап ва савоблар унга ҳам тегишли, дейдилар. Кофир, мунофиқ, фосиқ, ибодатсиз кишилар томонидан илмга уриниш бўлса, уларни ҳам мазкур ваъдаларда ҳаққи бор, дейдилар.

Бундоқ кишилар Исломда ҳар бир амални қабул бўлиши, савоби етиши учун иймон, ният, ихлос шартлигини унутиб қўйган одамлардир.

Шунинг учун ояти карима ва ҳадиси шарифларда зикри келган илмдан мурод, барча фойдали илмлар бўлиб, уларга қилинган ваъдаларга иймон ва ихлос билан уринган мўмин-мусулмонлар эришади, дейишимиз тўғри бўлади.

Бу қоидадан ушбу ҳадиси шарифга ишлатадиган бўлсак, мўмин-мусулмон киши ўзи учун, жамияти учун, инсонлар учун фойдали илмга «бу амр менга Аллоҳнинг амри, Исломнинг талаби» дея уринса, у жаннатнинг йўлига тушган бўлади. Аллоҳ таоло унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради.

«Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларида бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг китобини тиловат қилса, уни ўрганса, албатта, унинг устига сакийна тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб олади ва Аллоҳ Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади».

Ҳадисларда «Аллоҳнинг уйлари» дейилганда масжидлар кўзда тутилган бўлади. Демак, масжидлардан бирида ўтириб, Аллоҳнинг китоби — Қуръони Каримни тиловат қилган, уни ўрганган одамлар ушбу ҳадиси шарифда зикр қилинган даражага эришадилар.

Бу ҳадиси шарифда уларга тўртта буюк даража ваъда қилинмоқда: «Албатта унинг устига сакийна тушади». «Сакийна» — сокинликдан олинган бўлиб, қалб хотиржамлиги, ҳамма тарафдан сокинлик, хотиржамликни англатади.

Демак, масжидда жам бўлиб Қуръони Каримни етарли даражада тиловат қилган, уни ўрганган одамларга қалб хотиржамлиги, ҳар бир нарсада сокинлик, хотиржамлик тушади. Қуръони Каримнинг хайру баракати уларнинг ҳаётларини безайди.

«Уларни раҳмат ўраб олади». Яъни, ўша масжидда ўтириб Қуръон тиловат қилиб, унинг маъно ва ҳукмларини ўрганаётган кишиларни Аллоҳнинг раҳмати ўраб олади. Мўмин-мусулмон қавм учун уни

Аллоҳнинг раҳмати ўраб олишидан ҳам кўра яхшироқ ҳолат бўлмаса керак!

«Фаришталар қуршаб олади». Яъни, ўша масжидда ўтириб Қуръон тиловат қилаётган, уни ўрганаётган кишиларни Қуръоннинг ҳурматидан фаришталар қуршаб оладилар. Дунёда фаришталар ҳурмат билан қуршаб турган бир қавм бўлса, ана ўша қавм бўлади. Ҳеч бир мусулмон қавм учун бундан ортиқ муборақ мақом бўлмаса керак!

«Аллоҳ Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади». «Аллоҳнинг ҳузуридагилар» – «Малауъил Аъло» номли олиймақом зотлардир. Бу энг олий мақомдир. Тўпланиб Қуръон тиловат қилган, уни ўрганиб турган қавмларни Аллоҳ таоло ўша олиймақом зотлар билан бирга зикр қилар экан. Бу дунёда бирор мансабдор бир одамнинг номини тилга олиб қўйса, ўша одам умрбод «фалончи акам мени фалон жойда, фалон вақтда зикр қилган», деб ғурурланиб юради.

Энди Аллоҳ таоло ўз ҳузуридаги энг олиймақом зотлар қаторида зикр қилиши қанчалик бахт эканини тасаввур қилиб кўринг. Бу олий мақомга эришиш эса жуда ҳам осон. Аллоҳ таолонинг китоби – Қуръони Каримни тиловат қилиш, уни ўрганиш керак, холос.

Ушбу улуғ ҳадиси шарифдан олинадиган фойдаларни яна бир бор қисқача зикр қилиб ўтамоқчи:

1. Мўмин киши илм талаб қилиш йўлига юриши лозимлиги.
2. Ким илм талаб қилиш йўлига кирса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон этиши.
3. Масжидларда Қуръон тиловати ташкил қилинган тарғиб.
4. Қуръон тиловатида иштирок этадиганларга сакийна тушиши, уларни раҳмат ва фаришталар ўраб олиши ва Аллоҳ ўз ҳузуридаги аъло даражали зотлар билан бир қаторда зикр қилиши.

Аллоҳга шукрлар бўлсин, ушбу ҳадисдан кўплаб фойдаларни ўрганиб олдик. Энди инсоф билан ушбу ҳадиси шариф ҳикматларини ҳаётимизга солиштириб кўрайлик. Сўнгра ўзимизни ким эканлигимизга баҳо берайлик.

Илм талаб қилиш масаласини кўрайлик.

Илм талаби йўли–жаннат йўли эканини ҳаммамиз тушуниб етганмизми?

Илмга динимиз талаб қилгандек уринамизми?

Нима учун динимиз илм талабини ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга фарз қилган бўлишига қарамай, кўплаб мусулмон юртларида ялпи саводсизлик ҳукм сурмоқда?

Дунёдаги бошқа миллатлар илмнинг юқори чўққисига чиққан бир пайтда кўпгина мусулмон давлатлар аҳолисининг ярмидан кўпи ўқиш-ёзишни билмайдди. Кўпларида таълим ишлари йўлга қўйилмаган. Мусулмонлар ҳаётнинг энг зарур соҳаларида ўз олимлари йўқлигидан ғайридинларнинг ёрдамига муҳтожлар.

Бошқалар болаларини илм олишга ундасалар, мусулмонлар болаларини пул топишга, мол боқишга мажбур қиладилар.

Бошқаларда илм ва олимлар юксак қадрланса, мусулмонларда илм ва олимлар ерга урилади. Ислоннинг

илм дини эканининг аломати шуми?!

Қуръони Каримда илмга тарғиб қилувчи оятларга амал қилиш шуми?! Илм ҳақидаги ҳадиси шарифларга амал қилиш шуми?!

Бу ҳолатга барҳам бериш пайти келган. Ҳар бир мусулмон илмга нисбатан муносабатини Ислон таълимотига мувофиқ қилиб олиши керак. Ҳар ким ўзига керак нарсанинг илмини талаб қилиши лозим. Ҳар бир соҳада ўз эҳтиёжимизни қондирадиган олимлар тайёрлашимиз фарзи кифоя. Бўлмаса ҳаммамиз баробар гуноҳкор бўламиз.

Энди Қуръон тиловати ва уни ўрганиш масаласига ўтайлик.

Қуръон – илоҳий дастур, икки дунё саодатининг калити. Қуръон – тиловат қилиш, ўрганиш ва амал қилиш учун Аллоҳ томонидан юборилган. Уни тиловат қилиш ва ўрганиш юксак даражаларга етказди. Қуръонга амал қилиш улуғ мартабаларга етказди.

Бас, шундай экан, Қуръон тиловат қилмайдиган мусулмон бўлиши мумкинми?

Энди инсоф билан айтайлик, ичимиздан неча фоизимиз Қуръон ҳарфларини таниймиз?

Неча фоизимиз Қуръон тиловатини биламиз?

Неча киши Қуръонни аввалидан охиригача тўғри тиловат қила олади?

Неча киши Қуръоннинг маъноларини, ҳукмларини дарс қилиб ўқиган ёки ўқимокда?

Ушбу саволларга жавобимизга қараб ўзимизнинг қандай мусулмон эканлигимизни билиб олишимиз мумкин:

Нима учун Қуръон ўқимаймиз, уни ўрганмаймиз?

Нима учун устимизга сакийна – хотиржамлик тушини хоҳламаймиз?

Нима учун ўзимизни Аллоҳнинг раҳмати ўраб олишини истамаймиз?


Нима учун бизни фаришталар қуршаб олишини хоҳламаймиз?

Нима учун Аллоҳ бизни ўзига муқарраб (яқин) зотлар билан бир қаторда зикр қилишини истамаймиз?

Бу аҳволимиз ўта ачинарли ҳолдир. Мусулмонман, деган ҳар бир кишига Қуръон тиловат қилиш, уни ўрганиш фарз эканини тўлиқ тушуниб етишимиз керак. Ҳар бир мусулмон ўзининг илоҳий дастурини ўқиб-ўрганиши лозим. Бу ишда масжидлардан кенг фойдаланиш керак. Зотан масжиднинг бош вазифаларидан бири ҳам шу! Ҳадиси шарифда масжидда тўпланиб Қуръон тиловат қилиб, уни ўрганётган қавм ҳақида сўз кетмоқда. Авваллари алоҳида дарсхоналар, мадрасалар бўлмаган. Ҳамма нарса масжидда амалга оширилган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам саҳобаларга Қуръони Каримни масжидда ўтириб ўргатганлар. Кейинги авлодлар ҳам шундай қилишган. Ҳозирда ҳам мусулмон ўлкаларда Қуръон таълими асосан масжидларда бўлади. Агар шундай қилсак, Аллоҳ хоҳласа, аста-секин диний саводсизликка барҳам беришимиз мумкин бўлади.

(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 30-жилд)



ИЙМОН ШАРТЛАРИ

АЛЛОҲ ТАОЛОГА ИЙМОН

Киши ҳамма нарсани ёлғиз Аллоҳ таоло яратганини, Ундан ўзгага сиғиниб бўлмаслигини, У комил сифатлар билан сифатланганини, айб-нуқсондан поклигини қалби билан тасдиқлаб, тили билан икром бўлса Аллоҳ таолога иймон келтирган бўлади.

Аллоҳ таоло зоти ва сифатларида ягонадир, қадимдир (мавжудлигининг аввали йўқ), доимдир (мавжудлигининг ниҳояси йўқ), тирикдир, билувчидир, қодирдир, ихтиёрлидир (истаганини қилади), сўзлагувчидир, эшитувчидир, кўрувчидир. Аллоҳ таоло жисм ҳам, жавҳар (яъни модда) ҳам, араз (ранг, ҳид каби) ҳам эмас. Унинг сурати ва шакли йўқ. Аллоҳ таоло бирор томонда ва маконда эмас. Аллоҳ таолонинг борлиги замон билан белгиланмайди. Аллоҳ таоло исмлари, зотий ва феълий сифатлари билан ҳамиша бўлган ва бўлади. Аллоҳ таолонинг бирорта исми ва

сифати янги пайдо бўлмаган.

Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларида ўхшаши йўқ, акси йўқ, тенги йўқ. Аллоҳ таоло ҳеч бир нарсага муҳтож эмас. Аллоҳ таоло охиратда мўминларга кўринади.

Ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши, ҳукми ва тақдири билан бўлади. Аллоҳ таоло барча нарсани билади, ҳамма нарсага қодирдир.

Аллоҳ таолонинг сифатлари азалий ва абадийдир. Аллоҳ таолонинг сифатлари саккизта:

ҲАЁТ – тириклик. Аллоҳ таоло тирикдир.

ИЛМ – билиш. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани билувчидир.

ҚУДРАТ – қодирлик. Аллоҳ таоло ҳамма нарсага қодирдир.

САМЪА – эшитиш. Аллоҳ таоло ошкор ва пинҳонни эшитувчидир, ҳеч нарса Унга махфий эмас.

БАСИР – кўриш. Аллоҳ таоло ҳамма нарсани кўради, ҳеч нарса Ундан яширин эмас.

ИРОДА – хоҳиш. Аллоҳ таоло хоҳлаган нарса бўлади, хоҳламаган нарса бўлмайди.

КАЛОМ – сўзлаш. Аллоҳ таоло сўзлагувчидир.

ТАКВИН – йўқдан яратиш. Аллоҳ таоло оламни йўқдан яратган, ҳамма нарсанинг яратувчиси Аллоҳ таолодир.

Бу сифатлардан ҳаёт, илм, қудрат, самъа, басир, ирода ва калом сифатлари Аллоҳ таолонинг зотий сифатларидир. Таквин сифати Аллоҳ таолонинг феълий сифатидир. Аллоҳ таоло феълий сифатларининг барчаси «таквин» деб аталади.

Аллоҳ таолонинг ҳеч бир сифати махлуқларнинг сифатига асло ўхшамайди.

ФАРИШТАЛАРГА ИЙМОН

Фаришта араб тилида «малак» дейилади, унинг кўплиги «малоика»дир. «Рисолат» (элчилик) маъносидадир. Зеро фаришталар Аллоҳ таоло ва инсонлар ўртасида элчидирлар. Аллоҳ таоло фаришталарни нурдан яратган. Фаришта (малак)лар борлигига ҳамда Қуръони карим ва Пайғамбаримиз ҳадисларида баён этилган уларнинг сифатлари ва вазифаларига ишониш иймон шартларидан бўлиб, инсон уларга ҳам иймон келтирмагунича мўмин бўлмайди.

Фаришталар Аллоҳ таолонинг махлуқи, бандасидир. Улар куфр ва гуноҳлардан покдир. Улар доимо Аллоҳ таолога тоат-ибодатда бўлишади. Улар эрлик ва аёллик сифатлари билан сифатланмайди. Фаришталар инсонлар каби еб-ичишмайди, ўхлашмайди, уларда шахват йўқ. Фаришталар Аллоҳ таолонинг изни билан турли шаклларда кўрина олишади. Аллоҳ таоло фаришталарни кўп қанотли қилиб яратган. Уларнинг баъзиларида иккитадан, айримларида учтадан, баъзиларида тўрттадан, айримларида эса бундан ҳам кўп қанот бор.

Фаришталар Аллоҳ таолонинг ҳукмини бандаларга етказиш, Аршни кўтариб туриш, жаннат ва дўзах ишларини бажариш, одамларнинг ишларини кузатиб, амалларини ёзиб юриш, инсонни доимий муҳофаза қилиш, руҳларни қабз қилиш ва бошқа вазифаларга мукаллаф этилган. Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил алайҳимуссалом фаришталарнинг улуғларидир. Жаброил алайҳиссалом ваҳий етказишга, Микоил алайҳиссалом Аллоҳ берган ризқларни тасарруф қилишга, Исрофил алайҳиссалом қиёматдан огоҳ этувчи сўрни чалишга, Азроил алайҳиссалом инсонлар жонини қабз қилишга мукаллафдирлар.

КИТОБЛАРГА ИЙМОН

Иймоннинг яна бир шarti Аллоҳ таолонинг расуллари ва набийларига нозил қилган китобларига ишонишдир. Аллоҳ таолонинг ҳамма китоблари Унинг каломи (сўзи) ва ваҳийдир, махлуқ эмасдир. Уларнинг ҳаммаси бир каломдир, назм, ўқиш ва эшитиш жиҳатидан бир нечтадир. Бу эътибордан нозил бўлган китобларнинг энг афзали Таврот, Инжил, За-

бур ва Қуръони каримдир. Бу тўрт китобнинг энг афзали Қуръони каримдир. Қуръони карим нозил бўлгач қолган барча китобларни ўқиш ва ёзиш бекор бўлган. Чунки улардаги ҳукмлар муайян халққа йўлланган эди. Қуръони карим ҳукмлари эса бутун инсониятга қаратилган. Таврот Мусо алайҳиссаломга, Забур Довуд алайҳиссаломга, Инжил Исо алайҳиссаломга, Қуръони карим эса Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга юборилган. Қуръони карим ҳукмлари қиёматгача ўзгармайди, бирор ҳарфи зиёда ёки кам бўлмайди, тилларда ва дилларда сақланиб боради. Қуръони карим ўқиш ибодат ҳисобланади.

ПАЙҒАМБАРЛАРГА ИЙМОН

Пайғамбар–форсча сўз бўлиб, «xabар етказувчи» деган маънодадир. Арабчада «расул, набий» деб аталади.

Иймон шартларидан яна бири Аллоҳ таолонинг ҳамма пайғамбарларига истисносиз ишонишдир. Пайғамбарларнинг вазифаси иймон келтириб, тоат-ибодат қилган инсонларга жаннат башоратини қилиш, куфр ва исёнда бўлган инсонларни дўзах азобидан огоҳ этиш, инсонларга дунё ва дин ишларида улар муҳтож бўлган нарсаларни баён этишдир.

Пайғамбарларнинг барчаси Одам наслидан, гуноҳ, куфр, туғёндан асралган, покдир. Ақл ва ибодатда комилдирлар. Уларнинг барчаси бир динда – Ислом динидадир. Зеро, уларнинг барчаси ўз қавмларини фақат Аллоҳ таолога ибодат қилишга, Унинг улўҳиятига, рубубиятига, исм ва сифатларига ширк келтирмасликка набийлардан ортиқдир. Расулларнинг баъзилари баъзиларидан даъват қилишган. Улар зиммаларига юкланган вазифаларни тўла адо этишган.

Пайғамбарларнинг аввали Одам алайҳиссалом, охирлари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдирлар. Одам ва Муҳаммад алайҳимуссаломлар ораларидаги даврда ўтган пайғамбарларнинг адади ҳақида қатъий далил бўлмаганидан уларнинг умумий саноғи аниқ эмас. Шунинг учун улар ададини маълум бир сон билан чегаралаш жоиз бўлмайди.

Қуръони каримда 25 пайғамбарнинг номи зикр этилган: булар–Одам, Идрис, Нух, Худ, Солих, Иброҳим, Лут, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Айюб, Зулқифл, Шуайб, Мусо, Хорун, Довуд, Сулаймон, Илёс, Алясаъ, Юнус, Закариё, Яхё, Исо ва охири пайғамбар Муҳаммад алайҳимуссаломлардир. Узайр, Лукмон, Зулқарнайн номлари ҳам Қуръонда келган, улардан баъзилари набий, баъзилари валийдир. Одам, Нух, Иброҳим, Мусо, Исо, Муҳаммад алайҳимуссалом шариат соҳиблари бўлишгани учун «Улул азм» пайғамбарлар дейилади.

Пайғамбарлардан кимларга Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирган бўлса, улар «расул» дейилади. Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтирмаган, ўзга воситалар орқали ваҳий келган пайғамбарлар «набий» дейилади. Расул набий деб ҳам аталади, аммо набий расул дейилмайди. Расуллар фазилатда фазилатда юқоридир. Китоб келган расулларнинг фазилати китоб келмаган расулларнинг фазилатидан баланддир. Улул азм Ра-

суллар барча расуллардан фазилатлидир. Улул азм Расулларнинг афзали Мухаммад мустафо соллаллоху алайҳи ва салламдирлар.

ПАЙҒАМБАРИМИЗ МУҲАММАД АЛАЙҲИССАЛОМ

Пайғамбарларнинг саййиди ва охиргиси, сарвари коинот Мухаммад ибн Абдуллох ибн Абдулмутталиб ибн Хошим ибн Абдуманоф соллаллоху алайҳи васаллам фил йилида, рабиъул-аввал ойининг 12-кечасида, Исо алайҳиссалом таваллудларидан 571 йил кейин Маккада туғилдилар. Оталарининг исми Абдуллох, оналарининг исми Оминадир. Қурайш қабиласиданлар. Оталари Абдуллох тижорат учун Шомга боради ва қайтишда Мадинада вафот этади. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам етим ҳолда дунёга келадилар. Анъанага мувофиқ бу зотни Саъд қабиласидан Ҳалима исмли аёл эмизади. Унинг хонадониди «Шаққи-садр» – Мухаммад алайҳиссаломнинг кўксиларини ёмонликлардан тозалаш ҳодисаси рўй берган. Ҳазрати Мухаммад асло гуноҳ қилмаганлар, бутларга сиғинмаганлар.

Бу зот олти ёшга кирганларида оналари вафот этади ва боболари Абдулмутталиб тарбиясида қоладилар. Уч йилдан сўнг боболари ҳам вафот этади ва Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам 579-595 йилларда амакилари Абу Толиб тарбиясида бўладилар. Улғайгунча тижорат сафарига борадилар, амакиларининг қўй-эчкиларини боқадилар. Хадича исмли Макканинг бой ва баобрў аёли тижорат молларини Шомга олиб борадилар. У киши ишончли, яхши хулқли бўлганлари учун Хадича онамиз ўзлари совчи қўйиб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам билан турмуш қуришади. Бу пайтда жаноб Пайғамбаримиз 25 ёшда, Хадича онамиз эса 40 ёшда эдилар.

610 йили рамазон ойининг қадр кечасида жаноб Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам Макка яқинидаги Ҳиро Қорида ибодат қилаётганларида Аллох таоло Жаброил алайҳиссалом орқали илк ваҳий – Қуръони каримнинг Икроъ сурасидаги аввалги беш оятни нозил этди ва шу тариқа бу зотнинг пайғамбарлик рисолатлари бошланди.

Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам олтмиш уч йил умр кўриб, ҳижратнинг ўн биринчи йили робиъул аввал ойининг ўн иккинчи, душанба куни (милодий 632 йил) вафот этдилар. Ўўжраи саодатга, яъни Оиша онамизнинг ҳужраларига дафн этилганлар. Мақбаралари Мадинадаги «Масжиди Набавийя» ичида.

Пайғамбаримиз Мухаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг рисолатлари боқийдир. У зотдан сўнг ҳеч бир пайғамбар бўлмайди. Бу зот бутун инсониятга ва жинларга расул этиб юборилганлар.

ОХИРАТ КУНИГА ИЙМОН

Охират Қуръони каримда бир неча номлар билан, жумладан Қиёмат, Соат, Явмул-ҳисоб, Охира, Томма, Сохха, Ҳаққа, Воқеа ва бошқалар билан аталган. Охиратга, яъни қиёматга ишониш иймоннинг яна бир шартидир. Охиратга ишониш Қуръони карим ва ҳадиси

шарифларда охират ҳақида келган барча нарсаларга: қабрда икки фариштанинг савол қилишига, қабр азоби ва неъматига, охират куни олтидан бўладиган аломатларга, қайта тирилишга ва ҳамманинг тўпланишига (ҳашрга), номаи аъмолларнинг берилишига, кишининг савоб ва гуноҳлари ҳисоб қилинишига, мезон (тарозу) га, ҳавзга, сиротга, шафоатга, жаннат ва дўзахга, уларнинг аҳлларига ҳозирланган неъмат ва азобларга ишониш, демакдир. Қиёмат Исрофил алайҳиссаломнинг биринчи сур тортишлари билан бошланади ва дунё ҳаёти тугайди.

ҚАДАРГА ИЙМОН

Қадарга, яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам Аллох таолонинг иродаси, хоҳиши, яратиши билан бўлишига ишониш иймоннинг яна бир шартидир. Ҳамма нарса ва ҳаракат, жумладан инсон хоҳиши ва ихтиёри яхши ёки ёмон, қачон ёки қаерда ва қанча бўлса-да Аллох таолонинг иродаси, илми ва яратиши билан бўлади. Инсон Аллох таоло унда яратган ихтиёр билан танлаган амалига яраша: яхшилик бўлса – савоб, ёмонлик бўлса – гуноҳ олади.

ЎЛГАНДАН СЎНГ ҚАЙТА ТИРИЛИШГА ИЙМОН

Иймоннинг яна бир шarti ўлгандан сўнг қайта тирилишга ишонишдир. Аллох таолонинг амри билан Исрофил алайҳиссалом иккинчи сур тортганларидан сўнг барча жонзотлар, жумладан инсонлар тирилади. Уларнинг асл жасадларига руҳлари қайтарилади ва улар қабрларидан чиқиб Маҳшаргоҳга тўпланишади ҳамда ҳисобга тортилишади.

Ўлим – инсоннинг дунё ҳаётидаги фаолиятига нуқта қўювчи ва охират ҳаётининг бошланишини билдирувчи бир марра. Инсон ўлиши билан унинг охират ҳаёти бошланади. Мўминлар ўлимдан кейин тирилиб маҳшаргоҳда тўпланишларига, қилган яхши ва ёмон амаллардан ҳисоб беришларига иймон келтиришлари вожибдир. Амаллар Ҳақ тарозуси (Мезон)да тортилиб, яхши амалли, иймонлилар абадий ором-фароғат маскани – жаннатга киради, иймонсизлар ва айрим гуноҳкорлар дўзахга ташланади.

Ўлишдан кейин тирилишнинг муҳим ҳикмати бор. Модомики, дунёга келган эканмиз, бу ерда бир қанча исломий, инсоний вазифаларни ўташимиз, Аллохнинг буюрганларини бажаришимиз керак бўлади. Бунга осийлик қилганлар эса Аллохнинг ғазаби ва жазосига дучор бўладилар. Охиратдаги бахтли-саодатли ва осойишта ҳаёт бу дунёдаги қилган амалларимизга, савобли, хайрли ишларимизга боғлиқ. Қуръони каримда: «Биз сизларни (ердан) яратдик, яна унга қайтарурмиз ва (қиёмат кунида) сизларни яна бир бор ундан чиқарурмиз» (Тоҳа сураси, 55-оят), дейилган. Бунинкор қилиш Қуръонни инкор этишдир, бу эса куфри муҷибдир. Ўлимдан сўнг қайта тирилишга ишониш иймон шартларидан биридир. Мўминнинг ақли билан кофирнинг ақли шу нуқтада фарқланади.



АБДУЛЛОҲ ИБН САЛОМ

Абдуллоҳ ибн Салом ибн ал-Ҳорис ал-Исроилий ал-Ансорий (розийаллоҳу анҳу), кунялари Абу Юсуф, насаблари Юсуф ибн Яъқуб алайҳиссалом авлодларига боради. Саҳобий, мадиналик яҳудийларнинг таниқли олимларидан. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилиб келганларидан кейин у зотнинг ҳузурларида Исломга кирганлар. Муфассирларнинг ривоят қилишларича, Қуръони каримнинг Раъд ва Аҳқоф сураларидаги оятлар шу киши ҳақларида нозил бўлган. Расули акрамдан 25 та ҳадис ривоят қилганлар. Баъзи Ислом тарихчилари Ҳандақ ва ундан кейинги ғазотлар иштирокчилари қаторига қўшишади. Ҳазрати Умар билан бирга Байтул-Мақдис ва Ал-Жобиях фатҳларида қатнашганлар. Ҳижрий 43 йили Мадинада вафот этганлар.

Пайғамбар алайҳиссалом саҳобалари орасида Абу

Юсуф Абдуллоҳ ибн Салом ибн Ҳорис ал-Исроилий ал-Ансорийнинг (Аллоҳ рози бўлсин) алоҳида мақом-мартабаси бор. Бу киши мадиналик яҳудийларнинг таниқли олимларидан, насаби Юсуф ибн Яъқуб алайҳиссалом авлодларига бориб туташади.

Абдуллоҳ Пайғамбаримиз (с.а.в.) Мадинага ҳижрат қилиб келганларидан кейин у зот ҳузурларида Исломга кирган. Муфассирлар ривоят қилишларича, Қуръони каримнинг Раъд ва Аҳқоф сураларидаги оятлар шу киши ҳақида нозил бўлган. Расули акрамдан йигирма бешта ҳадис ривоят қилган. Баъзи Ислом тарихчилари уни Ҳандақ ва шундан кейинги ғазотлар иштирокчилари қаторига қўшишади. Ҳазрати Умар билан бирга Байтул-Мақдис ва Ал-Жобиях фатҳларида қатнашган. Ҳазрати Усмонга қарши фитнада у зот тарафида турган.

Сийрат китобларида келтирилишича, Исломдан аввал Ҳусайн ибн Салом исмли бу киши Ясрибда номи чиққан яҳудий олими эди. Уни фақат диндошларигина эмас, қавми, насаби ва динидан қатъи назар ҳамма барабар ҳурматлар эди. У ўзининг адолатлиги, тўғрисўзлиги ва тақводорлиги билан машҳур эди. У яқин орада янги пайғамбар чиқиши ҳақидаги хабарни Тавротдан билгач, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб, Исломини эълон қилди. Расули акрам унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар. Шундан кейин Пайғамбар алайҳиссалом Абдуллоҳнинг маслаҳатига кўра унинг қавмини имтиҳондан ўтказдилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абдуллоҳни бир хонага яшириб қўйдилар ҳамда яҳудийларнинг бошлиқлари ва оқсоқолларини ҳузурларига чорлаб, Исломни қабул қилишни таклиф этдилар. Улардан рад жавоби олганларидан сўнг: «Орангизда Ҳусайн ибн Саломнинг мартабаси қандай?», деб сўрадилар. «У бизнинг диний раҳнамойимиз ва қабиламиз бошлиғининг ўғли. У диний ишларимизда йўлбошчи ва илоҳиёт олими ҳамдир, унинг отаси ҳам шундай раҳбар ва олим саналади», деб жавоб қилишди яҳудийлар.

Шундан сўнг Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам улардан: «Агар унинг мусулмон бўлганини эшитсангиз, сизлар ҳам Исломга кирасизми?», деб сўрадилар. Яҳудий оқсоқоллари: «Худо паноҳ берсин, у Исломни қабул қилиши мумкин эмас... Парвардигор уни мусулмон бўлишдан асраган», дейишди.

Бироқ Ибн Салом яширинган жойидан чиқиб, қабиладошларига мусулмон бўлганини эълон қилганида улар жазавага тушиб бақира бошлашди: «Сен ёлғончисан! Худога қасамки, сен бошимизга келган балосан ва балонинг боласисан! Сен жоҳилимизсан ва жоҳилнинг боласисан!» Кейин улар Ибн Саломни барча хато-гуноҳларда айблай бошлашди.

Бу мисол орқали Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига ва мусулмонларнинг кейинги барча авлодларига иймонсизлар ва иймонга чорланганида қайсарлик кўрсатадиганлар Ислом ҳақиқатини тан олмаслик учун ҳар қандай ёлғон, алдов, макр ва иккиюзламачиликка тайёр эканликларини кўрсатиб қўйди.

Бу воқеада мусулмонлар фикр юритишлари зарур бўлган нуқталар бор. Ислом ҳақиқатини тан олишни истамайдиган қайсар ва гумроҳ кимсаларнинг табиати ҳақидаги Аллоҳ таоло каломи ва Унинг Расули кўрсатмалари ҳақлиги ҳар бир тарихий босқичда исботини топаверади.

Афсуски, қадимда ва ўрта асрларда бўлганидай, ҳозирги Фарбдаги айрим диний арбоблар ҳамда сиёсатдонлар кўпинча Исломга ва мусулмонларга зиддият йўлини танлашади. Уларнинг фаолияти жамият олдида турган муаммоларни мусулмонлар билан биргаликда ечиш ва улар билан мулоқотга киришиш эмас, кўпроқ Ислом динидагиларни ўзларидан доимий четлатишга йўналтирилган бўлади. Уларнинг мусулмонларга адовати шунчалик кучлики, ҳатто мусулмонлар билан яқинлашишга қўйган биргина қадами учун энг яхши вакиллари ҳам бадном қилишга тайёр туришади.

Улар ўзлари сезмаган ҳолда Абдуллоҳ ибн Салом

қабиласининг оқсоқоллари тилидан гапираётгандай бўлишади: «Бизларнинг фақат энг ёмонларимиз Муҳаммадга (с.а.в.) ишонишди ва эргашишди». Бироқ қабиладошларининг таъқиби ва нафратига қарамай Ҳақни таниб, Исломни қабул қилганлар ҳақида Аллоҳ таоло бундай деган: «Уларнинг ҳаммаси баробар эмас. Аҳли китоблар орасида тўни билан сажда (ибодат) қиладиган, Аллоҳнинг оятларини тиловат қилиб чиқадиган тўғри жамоа ҳам бор. (Улар) Аллоҳга ва охира кунига имон келтирадилар, яхши ишларга буюриб, ёмон ишлардан қайтарадилар ва хайрли ишларга шошиладилар. Айнан улар солиҳ кишилардандир» (Оли-Имрон, 113-114-оятлар, мазмуни).

Саъд ибн Абу Ваққос (Аллоҳ рози бўлсин) ривоят қилади: «Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам (Ашараи мубашшара оламдан ўтгач) Абдуллоҳ ибн Саломдан бошқа ҳозир ер юзида юрган бирор кишига жаннатий эканини айтганларини эшитмаганман. Аллоҳ таоло унинг хусусида «...Бани Исроилдан бўлган бир гувоҳ гувоҳлик бериб...» ояти каримасини (Аҳқоф, 10) нозил қилган» (Имом Бухорий, «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»).

Қайс ибн Аббод (Аллоҳ рози бўлсин) ривоят қилади: «Мен Мадина масжидида эканимда нимадандир қўрққани юзидан яққол сезилиб турган бир киши (яъни, Абдуллоҳ ибн Салом) кириб келдилар. Шунда одамлар: «Бу киши жаннат аҳлидандир», дейишди. У икки ракат қисқагина намоз ўқиб, масжиддан чиқди. Мен кетидан бориб: «Боя масжидга кириб келганингизда одамлар: «Бу киши жаннат аҳлидандир», дейишди», дедим. У бундай деди: «Аллоҳ таоло ҳаққи, бирор одам ўзи билмаган нарсга ҳақида гапирмаслиги керак. Энди сенга нима учун мени жаннати, дейишлари сабабаини айтиб берай: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳаётлик пайтларида бир туш кўрдим. Кейин уни у зотга айтиб бердим. Тушимда ям-яшил, бепоён бир боғда турган эмишман. Боғ ўртасида бир темир устун бўлиб, унинг бир учи ерда, иккинчиси осмонда эмиш. Унинг тепасида бир тугун ҳам бор экан. Менга: «Устунга тирмашиб чиқ!» дейилди. Мен: «Чиқа олмайман», дедим. Шунда бир хизматкор келиб, кийимимнинг ёқасидан кўтариб мени устунга чиқариб қўйди. Унинг тепасига тирмашиб чиқдим-да, тугунни ушлаб олдим. Менга: «Уни қўлингдан чиқарма», дейилди. Тугунни (маҳкам) ушлаганимча уйғониб кетдим. Тушимни Расулulloҳга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) айтиб берганимда у зот: «Ўша боғ Ислом боғи, ўша устун Ислом устунини (яъни Исломнинг беш рукни ёки фақат калимаи шаҳодатнинг ўзи), тугун эса имондир. Ўзингга келсак, вафотингга қадар Исломда барқарор бўласан», дедилар» (Имом Бухорий, «Ал-Жомеъ ас-саҳиҳ»).

Ҳар вақтдагидай Аллоҳ Расулининг башоратлари ҳақ бўлди: Абдуллоҳ ибн Салом умри ниҳоясигача Исломга содиқ қолди, ўзи муҳаббат қўйган Пайғамбардан мағозалар ва Қуръон фазилатлари ҳақидаги ҳадисларни ривоят қилди, Аллоҳнинг севимли динига ихлос билан хизмат кўрсатди. Абдуллоҳ ибн Салом ҳижрий 43 (милодий 663) йили Мадинада вафот этди.

НАҚАДАР ГЎЗАЛ БУ ИСЛОМ!

Бу шундайин динки, ўз номига муносиб равишда одамларни адолат, яхшилик, эҳсон, раҳмдиллик, меҳр-шафқат, ўртакчилик, мўътадиллик, эзгуликка буюради. Зулм, истибдод, фасод, ёмонлик, душманлик, бузғунчилик, тажовузкорликдан қайтаради. Бу шундайин динки, мусулмонлар уёқда турсин, ҳатто ўзга дин, эътиқод ва миллат вакилларига мурувватни, халқ ўртасида тенглик, аҳиллик, ўзаро ҳурматни тарғиб қилади, аёлларнинг шаънини кўтаради.

Бу шундайин динки, инсонларнинг асосий ҳақ-ҳуқуқлари – ҳаёт кечириш, обрў ва ҳурматини сақлаш, эътиқод ва дин танлаш, тафаккур ва изланиш, илм олиш, мулкчилик ва мулкни сақлаш, хавфдан омонда бўлиш, ҳалол меҳнат қилиш, барча башар билан тенглик, туғилгандан бошлаб ҳур, озод бўлиш, одил судлов, эркин сафар қилиш ва кўчиш, уйланиш ва оила қуриш, ислоҳ қилиш, яхшиликка буюриб, ёмонликдан қайтариш ҳуқуқларини кафолатлайди.

Ислом динига иймон келтириш, унинг ақида, шариат, ибодат, ахлоқ, одоб каби асосларига, арконлари ва вожибларига амал қилиш – Аллоҳга бўлган иймоннинг шартидир. Ким ушбуни қабул қилса, мусулмондир, уни рад этса, кофир бўлади.

Ислом ўз шавкати билан фитрий чин инсонлигимизга қайтишга имкон беради. У иймонимизни асровчи, ҳасталикдан қутқарувчи турмуш тарзи билан ҳаёт уммонидан сузиб ўтишга имкон берадиган нажот қайиғидир. Ислом Аллоҳ юборган динлар ичида хотималовчи, қиёматгача барча даврлар ва жамиятлар учун баб-баравар жавоб берадиган ва хизмат қиладиган ягона диндир. Бу дин «Илгариги пайғамбарлар фақат ўз қавмига пайғамбар этиб юборилганди, мен бўлсам ер юзидаги барча инсонларга пайғамбар қилиб юборилдим», дея баралла айтган хотам ун-набий Мухаммад алайҳиссаломга нозил этилган илоҳий дастурдир.

Абдуллоҳ ибн Ҳузаймани Рум ҳукмдори ўз динига даъват қилиб, киришга кўнса, дунё молининг ярмини ва қизини бермоқчи бўлганида рад қилдирган, иймонни асраш учун душман томонидан қизиб турган қозонга ташланишига рози қилган ҳам Ислом эди.

Халифа Умар ибн Хаттобни «Дажла қирғоғида бир чўпоннинг кўзисини бўри олиб қочса, Аллоҳ халифа Умардан сўрайди», деб нола-изтироб чектир-



ган, Аллоҳдан қўрқиб ўн икки ямоқ хирқада юришга, амирлик саройида тунашдан воз кечишга мажбурлаган ҳам Ислом эди.

Мазҳаббошимиз Абу Ҳанифани бир кийимнинг нуқсонини айтишни унутиб сотиб юборгани учун тижоратдаги ўттиз йиллик шериклари Ҳафс ибн Абдурахмон билан ажрашиб кетишга ва савдодан тушган ҳамма пулни садақа қилиб юборишга рози қилган нарса ҳам Ислом эди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафдошларидан асҳоби суффани эғнидаги юпун кийимга, оч-наҳор юришга, масжид ёнидаги суффани бошпана қилишга кўндирган ҳам Ислом эди.

Мухаддислар султони Имом Бухорийни охиратдаги ҳисоб-китобда масъул бўлмаслик учун барча мол-мулк ва бойликлардан воз кечишга, фақат қотган нон ва сув билан қаноатланишга чорлаган нарса ҳам Ислом эди. Молик ибн Динорни битта бўйра, Мусхафи шариф ва битта кўзачадан бошқа бисот ушламасликка рози қилган нарса ҳам Ислом эди. Сўфийя Робиаътул-Адавиййани «Тавбаларимизнинг ўзи тавбатазарруга муҳтождир», дея фарёд чектирган нарса ҳам Ислом эди.

Ислом инсониятнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган, уни ахлоқ қоидалари билан ихоталайдиган, барча ёмонлик – гуноҳлардан муҳофаза қиладиган, фақат эзгулик, яхшилик, солиҳ амалларга даъват этадиган сўнги Ҳақ диндир!

Кишилиқ тарихини кузатсангиз, ҳалигача бирор-та тузум, дин ёки мафкура инсонлар ўртасида чинакам адолат ва тенглик ўрната олган эмас. Аксинча, ҳозирги ғарб мутафаккирлари «Дунёнинг энг катта ҳокими – адолатсизлик, уни ҳақсизлик бошқаради», деб иддао қилишади. Фақат Исломгина инсонларга чинакам илоҳий адолатни таклиф эта олди, жамият-

да бу адолатни ўрната олди. Унинг Низомидаги бош ғоя ҳам Адолатдир.

Исломнинг буюк адолати шундаки, у бу дунё ортидан Охират дунёси борлигини эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида инсон дунё ҳаётидаги олтмиш-етмиш йиллик қисқагина умрини меҳнат-машаққатлар, уруш-жанжаллар, турли касаллик ва фалокатлар, хўрлик ва изтироблар ичида совуриб, эвазига ҳеч қандай мукофот олмай ўтиб кетган бўлур эди. Дунёда ҳақсизлик, зулм, қийноқ, адолатсизликларга дуч келганида «Бунинг эвазига охиратда ажр бор-ку!» деган улуғ таскин-тасаллини топа олмаган бўлур эди.

Исломнинг буюк адолати шундаки, у ўлгандан кейин қайта тирилиш борлигини эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида, ўлим инсон учун энг катта фожиа, кулфат, адолатсизликка айланган, уни ўрганиб қолган ҳаётдан, яқинларидан, мол-мулкдан, мавқе-мартабасидан бир лаҳзада узиб қўядиган золимликка айланган бўлур эди. Инсон бир куни ўлимдан қўрқа-қўрқа жон берган ва ҳайвонлар каби ўлиб кетиб, тупроқда беному-нишон чириган бўлур эди.

Исломнинг буюк адолати шундаки, у охиратда Ҳисоб-китоб борлигини эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида дунёни ҳақсизлик, фитна-фасод, зулм-истибдод, зўравонлик ва муттаҳамлик босиб кетган бўлур эди. Исломдан чекинган ёки узоқда бўлган жамиятларнинг ҳозир ҳам ана шу кулфатлар исканжасидан чиқа олмаётгани бунга ёрқин далилдир.

Исломнинг буюк адолати шундаки, у барча инсонларни ҳур, тенг ва насаб-мансабда барабар деб эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида кулдорлик авжига чиққан бир даврда юборилган бу дин қул билан хожани бир мақомга қўймаган (Расули акрамнинг Аммор ибн Ёсир, Билол Ҳабаший, Салмон Форсий каби ўнлаб саҳобалари мусулмон бўлишгунича қул эди), қул озод қилишни ибодат ва гуноҳларга каффорат (эваз) даражасига кўтармаган, қулининг айби учун бир тарсаки туширган хожага бу гуноҳи эвазига қулини озод қилишга буюрмаган бўлур эди.

Агар шундай бўлмаганида оддий бир кампир Ислом давлатининг ҳукмдорини (масалан, Ҳазрати Умарни) кўчада тўхтатиб танбеҳ бера олмаган бўлур эди. Ёки Мафтуна исмли қоратанли бир ночор аёл Миср ҳукмдоридан девори бузилиб кетгани, қўшнинг товуги чиқиб озор бераётгани, шунинг учун деворини тузатиб беришни сўраб, унга мактуб йўлланган бўлур эди.

Ёхуд Пайғамбарнинг куёви бир яҳудий билан тортишиб қолганида адолат истаб Ислом қозисининг олдига бормаган ва қози ҳам айб яҳудийда экани аниқ бўлгандагина: «Яхшиямки, Али ҳақ бўлиб чиқди,

акс ҳолда яҳудий фойдасига ҳукм қилиб виждоним қийналган бўлур эди», деб изтироб чекмаган бўлур эди.

Ёки Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бир ўғрини авф қилишни сўрашганида «Агар қизим Фотимани тутиб келганларингда ҳам қўлини кесган (яъни жазолаган) бўлур эдим» деб ҳукм чиқартирмаган бўлур эди.

Аллоҳ ҳузурида Исломдан бошқа дин йўқ. «Албатта Аллоҳнинг ҳузуридаги дин Исломдир» (Оли Имрон, 19). Яҳудийлик, насронийлик каби самовий динлар Аллоҳ ҳузурида эътиборини йўқотган, буддавийлик, зардуштийлик ёки шунга ўхшаш бошқа ҳар хил эътиқодлар эса самовий дин бўлмай, инсон изланишлари маҳсулидир. Уларга эътиқод ва амал қилаётганлар адашиб-улоқиб, азиз умрларини беҳуда совуриб юришибди.

Қуръони каримда: «Динга мажбур қилиш йўқ», (Бақара, 256) дейилган. Чунки зўравонлик, мажбурлаш билан тарқатилган ақида, ғоя ва мафкураларнинг умри қисқа бўлади. Илк даврлардаги динга даъват ва таклифни ҳисобга олмаганда Ислом динига ҳеч ким, ҳеч қачон мажбурлаб киритилмаган. Ҳамма инсонлар ҳамиша Исломга ўз ихтиёри, ишончи, ихлоси, итоати, ақидаси, ақли билан кирган.

Ислом асли фитратдир, жибиллятдир. Эътиқодлар ичида энг софи ва бузилмагани ҳам Исломдир. Масалан, инсонга фитрий, соф нарсалар (масалан, пахта, жун, ипак каби табиий матолар ёки гўшт, нон, мева-сабзавот каби емишлар) ёқади, фойда беради, азият етказмайди. Аксинча, кимёвий йўл билан олинган сунъий газлама, таом ва буюмларнинг инсонга албатта бир зарари ёки озори бор. Шу каби сунъий ғоя, мафкура ва эътиқодлар ҳам қанчалик жозибали кўринмасин, манфаатдор томон уни тарқатиш ва онларга сингдириш учун қанчалик қаттиқ ҳаракат қилмасин, улар инсониятга фойда келтирмайди, унга саодат эшикларини очиб бера олмайди. Масалан, яқин тарихимизда коммунизм ғоясини тарқатиш учун олиб борилган кураш ва бунга харжланган моддий-маънавий сарфиётлар ҳавога совурилди, ғоянинг ўзи тарих ахлатхонасидан жой олди. Бу ғоянинг бош тарғиботчиси бўлган СССР отли улкан империя битта ҳам ўқ отилмай жон таслим қилди.

Бир ҳамкасбимиз яқинда бундай мулоҳаза билдириб қолди: «Дунёда насронийлик ёки бошқа мазҳабларни тарғиб қилиш учун миллиардлаб доллар маблағ сарфланади. Бунга қанча-қанча илмий-тадқиқот институтлари, матбуот, радио-телевидение хизмат қилади. Миллионлаб нусхада филм, китоб-журналлар текинга тарқатилади. Минглаб миссионерлар дунёнинг ҳамма бурчида изғиб, даъват билан

машғул. Аммо бунча ҳаракат ва харажатдан кейин ҳам кўзлаган мақсадларига эриша олмай гаранг. Масалан, Оврупа ва Америкадаги церковлар ҳувиллаб ётибди: қавмни кўпайтириш учун бутхоналарда уюштирилаётган поп-музыка концертлари, турли кўнгилочар тадбирлар ҳам иш бермаяпти. Исломи масаласида ҳолат аксинча. Ғарб оламини қўятурайлик, ҳаттоки мусулмон ўлкаларда ҳам Исломи динига очик-ойдин даъват қилишга йўл берилмайди. Мусулмонларга матбуот, радио-телевидение орқали чиқишлар уюштириш чеклаб қўйилган. Мусулмон киши ҳатто ўқийдиган китобини нашр этиб-кўпайтиришга, боласига диний таълим беришга, аёлига ҳижоб ўратишга ҳам кимдандир ижозат олиши керак. Аммо ана шунча тақиқ-камситишларга қарамай, бирорта мусулмон (ҳа, бирорта мусулмон, чунки миссионерлар фитнасига учиб иймонини сотаётган айрим кимсаларнинг мусулмонлигига шубҳамиз бор) Исломидан воз кечаётгани йўқ. Аксинча Исломга кирувчилар сони тўхтовсиз ортиб бормоқда. Агар дунёда бошқа динлар тарғиботига қилинган саъй-ҳаракатлар ва харажатларнинг ўндан бири Исломга нисбатан қўлланганида борми, билмадим, ҳозир Ер юзиде мусулмон бўлмаган одам қолармикин?».

Унинг мулоҳазаларига раддия билдириш инсофга хиёнат бўлиб туюлади.

Исломи дини эса ҳар қандай тузумда ҳам инсониятнинг ахлоқий ва маънавий қалқони (иммунитети) бўлиб келган ва қиёматгача шундай қолаверади. Унинг ўн беш асрдан буён барча замонлар, барча жамиятлар талабига бирдай жавоб бериб келаётгани бежизга эмас. Чунки у Аллоҳ таолонинг бутун инсониятга юборган ягона илоҳий дастури ва инсонларни қиёматгача ҳидоятга чорловчи ёрқин маёғидир.

Мусулмон бўлишнинг яхшилигини кўринг: ғарблик ғайримуслими ҳатто ота-онаси, туғишганларидан ҳол сўрашга имкон топа олмаётган бир замонда мусулмон киши олис ўлкадаги мазлум биродарига нажот тилаб дуо қилади, бегона қўшнанинг ҳолидан доимий хабардор. Бир ғайримуслими ҳув тушмаслик, зарар кўрмаслик учун атрофидаги одамларнинг ҳаммасидан шубҳаланиб, кўрқиб, хавфсираб юрган бир пайтда мусулмон ҳаммани ўзи каби ҳалол, омонатдор, тақволи санаб, барчага барабар ишонч, муҳаббат, вафо кўрсатади.

Ўғлим хонадонининг кириш эшигини янгилаётганида уста: «қулфни иккита ўрнатмасангиз бўлмайди, домчилик, яна ўғри тушиб юрмасин», деган маслаҳат берибди. Ўғлим: «Ташвиш қилманг, аждодларимизнинг ҳикоясига кўра ўтмишда мусулмон хонадониде қулф бўлмаган экан, бирор жойга кетишса, зулфинини илиб қўйиш билан кифояланишар экан, Худода шукрки, домимизда ҳам асосан мусулмонлар тури-

шади, бу томонидан кўнглим тўқ», деган жавобни берибди.

Икки ҳамкасбим ўртасиде пул муомаласи бўлган экан, бири иккинчисидан олган қарзини узмоқчи эди. Қарз берган киши қайтарилган пулни санаб кўрса, юз минг сўм ошиқ экан. Бир тахлам пулни қайтариб берса, нариги шериги: «Мусулмонлик қандай яхши-я, пул муносабатларида ҳақинг кетиб қолишидан ёки алданишдан ҳеч қачон хавфсирамай яшайсан!» деб хитоб қилган эди.

Самарқандлик бир танишимнинг ҳикоясига қараганда, оврупалик бир сайёҳ шаҳар кўчаларини айланиб юрганида аждодларимиз тиклаган муҳташам обидаларни кўриб: «Мусулмонларнинг ҳатто қурган бинолари ҳам кишига ҳаловат ва хотиржамлик бағишлайди-я!» дея ҳайратланган экан.

Ўзининг зарарига бўлса-де ўзганинг ҳақи поймол бўлмаслиги учун қайғурадиган қилиб қўйган ҳам Исломдир. Ўзи фақир бўлса ҳам қўшнисининг аҳволига ачиниб дастурхонидаги сўнгги нонни, киссасидаги охирги чақани қўшнисига тортиқ қилдириб қўйган ҳам Исломдир. Ҳақ букилмаслиги учун қози ёки ҳукмдорни ўз фарзанди зарарига ҳукм чиқартирган ҳам Исломдир. Хизматчисига билмай бир тарсаки туширганидан афсус чекиб, гуноҳга ботмаслик учун уни дарҳол озод қилишга мажбурлаган нарсаси ҳам Исломдир. Нафақат мусулмон биродарига, ҳатто бошқа диндагиларга ҳам яхшилик ва ҳуш муомала қилиш, беморлигида бориб кўриш, қийналиб қолса ёрдамлашишга буюрган ҳам Исломдир!

Яхшиямки, Исломи бор: агар у бўлмаганида дунёдаги барча халқлар бир-бири билан урушиб, ер юзини қонга ғарқ қилган, шаҳар-қишлоқларни вайронага айлантирган бўлур эди.

Яхшиямки, Исломи бор: акс ҳолда инсоний муносабатлар батамом издан чиқиб, зўравонлар ожизларнинг молини тортиб олган, ўзини қул қилган, ҳамма ёқда зулм ва ҳақсизлик ҳукм сўраётган бўлур эди.

Яхшиямки, Исломи бор: йўқса ҳамма бир-бирига хиёнат қилишдан, бир-бирини алдашдан, фаҳш ишлар билан шуғулланишдан, зулм ва ёмонлик қилишдан уялмаган бўлур эди.

Яхшиямки, Исломи бор: у бўлмаганида ахлоқ заволга юз тутган, ҳалол ва ҳаромнинг фарқи йўқолган, оила-никоҳ муносабатлари издан чиқиб, одамлар ҳайвонлардан ҳам баттар бўлиб кетар эди.

Яхшиямки, Исломи бор: акс ҳолда жамиятда ҳақлар поймол қилиниб, бойлар бойийверган, камбағаллар тобора қашшоқлашган, аслзодалар ўзидан тубан табақадагиларга паст назар билан қараган, аёллар, заифлар, етимлар хўрланган бўлур эди.

Беҳзод АБДУРРАШИД

ТАҲОРАТ ВА НАМОЗ ҲУКМЛАРИ

4-ДАРС

- 1) Ғул ва унинг ҳукмлари ҳамда ғулни вожиб қилувчи нарсалар
- 2) Ғулни вожиб қилмайдиган нарсалар
- 3) Ғулнинг фарзлари
- 4) Ғулнинг суннатлари
- 5) Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғуллари
- 6) Ғулнинг турлари
- 7) Ғул вожиб бўлган кишининг бажариши ҳаром бўлган амаллар
- 8) Оёқ кийимига масҳ тортиш
- 9) Маҳсига масҳ тортиш шартлари
- 10) Қўшимча: жавробга масҳ тортиш
- 11) Масҳ тортишнинг фарзлари
- 12) Масҳ тортишнинг суннат кўриниши
- 13) Масҳ тортиб юриш муддати
- 14) Масҳни бузувчи амаллар
- 15) Жароҳатга масҳ тортиш.

Ғул ва унинг ҳукмлари ҳамда ғулни вожиб қилувчи нарсалар

Аёллардан ҳайз ёки нифос қонининг чиқиши, қон чиқмаса-да, фарзанд кўриши ғулни вожиб қилади. Мусулмон киши ўлса ҳам уни ғул қилдириш вожибдир. Шаҳид эса, бундан мустасно. Киши шаҳид бўлиб ўлса, уни ғул қилишнинг ҳожати йўқдир. Кофир жунуб пайтида мусулмон бўлса, бунга ҳам ғул вожиб бўлади, аммо у мусулмон бўлганида жунуб ҳолида бўлмаса, унинг ғул қилиб олиши вожиб эмас, балки мустаҳабдир. Зеро, куфр маънавий нажосатдир, Исом келиши билан бу нажосат покланади. Лекин жунублик ҳукмий нажосат бўлиб, фақат сув билан, сув йўқ бўлса, таяммум орқали ният билан покланади. Инсон икки хил ҳолатда жунуб бўлади:

1. Эракк ёки аёлдан манийнинг лаззат билан отилиб чиқиши сабабидан жунуб бўлинади. У хоҳ уйқуда бўлсин, хоҳ уйғоқ бўлсин, фарқи йўқ. Лекин шу шарт биланки, маний ўз ўрнидан лаззат билан кўчган бўлиши керак. Бир кишида лаззат бўлсаю, маний ажраб чиқмаса, у жунубли ҳисобланмайди. Аммо лаззати

сўнгач, маний ажралиб чиқса, у жунуб ҳисобланади ва ғул вожиб бўлади. Кишидан унинг белига урилганлиги ёки бир касаллиги сабабли лаззатсиз маний чиқса, у жунуб ҳисобланмайди ва унга ғул ҳам вожиб бўлмайди. Демак, кишининг жунуб бўлиши учун лаззат сабабли манийнинг ўз ўрнидан кўчиши шартдир. Лаззат бўлсаю, маний бўлмаса, жунуб ҳисобланмайди.

(Изоҳ: аммо бир киши уйқудан уйғонгач, ўрнида намлик кўрса, у хоҳ пешоб бўлсин, хоҳ мазий бўлсин, хоҳ маний бўлсин, эҳтиётдан ғул қилиб олиши вожиб бўлади. Чунки у уйқудалик ҳолатидаги лаззатни эслай олмаслиги мумкин).

2. Олат учининг олдинга ёки (ҳаром бўлса ҳам) орқага кириши маний тўкилмаса-да, иккала томонни жунуб қилиб қўяди ва уларга ғул қилиш вожиб бўлади.

Ғулни вожиб қилмайдиган нарсалар

1. Мазийнинг чиқиши билан ғул вожиб бўлмайди. Мазий суюқ оқ сув бўлиб, шаҳват вақтида шиддатсиз чиқади. Маний эса шиддат билан отилиб чиқади. Мазий эракклардан кўра аёлларда кўпроқ учрайди. Гоҳо унинг чиқиб қолгани ҳам сезилмайди. Демак, мазий таҳоратни бузса-да, ғулни вожиб этмайди.

2. Вадийнинг чиқиши билан ҳам ғул вожиб бўлмайди. Вадий оқ, хираланган, ёпишқоқ, ҳидсиз суюқликдир. У бавлнинг орқасидан келади.

3. Бир шахс хоҳ аёл бўлсин, хоҳ эракк бўлсин, уйқусидами ёки хаёлидами эҳтилом бўлиб лаззатни сезсаю, лекин намликни кўрмаса, бу ҳолатда ҳам ғул вожиб бўлмайди.

Ғулнинг фарзлари

Ғулнинг фарзлари учтадир:

1. Оғизга сув олиб чайқаш, яъни мазмаза;
2. Бурунга ачишгунга қадар сув тортиб қоқиш, яъни истиншок;
3. Баданнинг ҳамма ерига сув етказиш. Баданнинг ҳамма ерига бир марта сув етказиш вожибдир. Агар баданнинг озгина жойига сув етмай қолса ҳам ғул дуруст

бўлмайди. Яна жасаддаги чуқурчаларга, яъни киндик ва шунга ўхшаш аъзоларга ҳам сув етиши шарт. Ғул қилишдан олдин бадандаги ҳар қандай сувни тўсuvчи нарса – ҳамир, ёғ, кўз атрофига йиғилиб қоладиган кир, буруннинг кири, баъзи аёллар тирноқларига қўядиган лакка ўхшаш нарсаларни кетказиш лозим. Агар қимирлатмаса, остига сув етмайдиган узук, биллакузукка ўхшаш нарсалар бўлса, уларни ҳам айлан-тириб сув етказиш керак. Аёлларга ўрилган сочларини ечиб, ҳаммасини ҳўл қилиш шарт бўлмайди, балки сочнинг асли чиққан жойини ҳўл қилиш кифоя бўлади. Аммо эркакларнинг сочлари ўрилган бўлса ҳам ечиб, ҳаммасини ҳўл қилишлари фарз бўлади.

Ғулнинг суннатлари

1. Ният билан бошлаш; ният эса қалб билан қилинади. Уламолар қалбнинг ниятини тил билан нутқ қилиш орқали тасдиқлашни чиройли санашади. Шунинг учун ҳам агар авратлари ёпиқ бўлса, жунубликдан покланиш учун ғулни ният қилдим, деб айтади. Албатта тил билан зикр қилиш суннат эмас, балки, юқорида айтганимиздек, уламолар чиройли санашган амалдир.
2. Ғулнинг бошида «Бисмиллаҳ...»ни айтиш;
3. Ғулни икки қўлни билагигача ювишдан бошлаш;
4. Қўлни ювиб олгач, фаржини ювиш ва ғул бош-лашдан олдин бадандаги нажосатларни кетказиш;
5. Ғулни намоздагидек таҳорат олиш билан бош-лаш;
6. Бадандан олдин бошни уч марта ювиш; аслида биринчиси фарз, иккинчи ва учинчиси суннат бўлади.
7. Ишқалашлик;
8. Аввал баданни ўнг томонидан ювиб, сўнг чап томонини ювиш;
9. Ҳар икки томонни ҳам уч мартадан ювмоқ; яна таҳоратдаги суннатларнинг ҳаммаси ғулда ҳам суннатдир.

Кишининг ғулда авратлари очилгани сабабли унинг бировнинг назари тушмайдиган ерда ювиниши маҳбуб ҳисобланади. Аёлларнинг ҳам бир-бирларига назарлари тушмайдиган ерда ғул қилишлари, ҳатто ғул вақтида ўз онаси ёки синглиси ва ё қизининг назаридан холи ерда чўмилишлари мустаҳабдир.

Таҳоратда макруҳ қилинган нарсалар ғулда ҳам макруҳ ҳисобланади.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғуллари

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобат сабабли ғул қиладиган бўлсалар, аввал икки қўлни ювишдан бошлардилар. Кейин ўнг қўллари билан чап қўллари устига сув қуйиб, ундаги сув билан фаржларини ювар эдилар. Кейин намозга таҳорат олгандек

таҳорат қилардилар. Сўнгра қўлларини сувга тикиб ҳўллаб, сочларининг ораларига панжаларини киритиб ишқалар эдилар».

Бошқа ривоятда қуйидагича айтилади: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сув қуйишни аввал ўнг томондан, кейин чап томондан бошлардилар. Ҳатто сочларининг ҳамма жойига сув текканини кўрсалар, яна ҳовучлаб сув олардилар-да, жасадлари устидан уни қуярдилар. Кейин икки оёқларини ювардилар». (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Ғулнинг турлари

1. Ғул қилиш фарз бўлган ҳолатлар:
 - жанобатдан покланиш учун қилинган ғул;
 - ҳайз ва нифос қони тўхтагандан сўнг қилинган ғул;
 - муслмон маййитнинг ғул қилдирилиши.
2. Ғул қилиш суннат бўлган ҳолатлар:
 - Жума ва икки ийд намозлари учун олинган ғул;
 - (Изоҳ: бу ғул ўша кунлар учун эмас, балки жума ва ийднинг намозлари учун қилинади. Ушбу ғулдан сўнг таҳорат синмай туриб, намозни ўқиш суннатдир).
 - ҳаж ёки умра учун эҳром боғлашдан олдин олинган ғул;
 - заволдан сўнг Арофат тоғида туриш учун қилинган ғул ҳам суннат ҳисобланади.
3. Ғул қилиш мустаҳаб бўлган ҳолатлар:
 - Жинни тузалса, ҳушидан кетган одам ўзига келса, маст кишининг мастлиги кетса, ғул қилиб олиши мустаҳабдир;
 - шаъбон ойидаги Бадр кечасида, арафа кечасида, Қадр кечасида ғул қилиб олиш ҳам мандуб амалдир;
 - яна қурбонлик кунининг субҳида Муздалифада турган кишига, шайтонга тош отиш учун қурбонлик кунда Минога чиқадиган кишига, Каъбаи Муаззамани зиёрат қиладиган кишига, ой ёки қуёш тутилганда ва ёмғир талаб қилинганда ўқиладиган намозни ўқувчи намозхонга, Мадинаи Мунавварага қиладиган кишига ҳам ғул қилиш одоб ҳисобланади. Яна одамлар жамоасига кирувчига, янги либос кийган кишига, маййитни ювган ғассолга, гуноҳидан тавба қилган инсонга, сарфардан қайтганга, истиҳоза қони тўхтаган аёлга, янги муслмон бўлганларга ҳам ғул қилиб олиш одобдир.

Ғул вожиб бўлган киши бажариши ҳаром бўлган амаллар


Таҳорати йўқ кишига мумкин бўлмаган амаллар ғул қилиши керак бўлган кишига ҳам мумкин бўлмайди. Яна шу билан бирга ғул вожиб бўлган кишига Қуръони каримни хоҳ ёддан бўлсин, хоҳ қараб ўқиш ҳамда масжидга кириш ҳам ҳаром ҳисобланади.

МИРЗО УЛУҒБЕК ДАҲРИЙ БЎЛМАГАН!

Ҳамма нарсани эътиқодсизлик тарозисида тортишга ўрганиб қолинган яқин ўтмишимизда бошқа фан ва маданият арбоблари қатори улуғ ўзбек олими ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек теварагида ҳам бир-бирига хилоф, ноҳақ гап-сўзлар, ёрлиқ ёпиштиришлар кўп бўлган эди. Бугун юрт мустақил бўлди, миллий ва диний қадриятларимиз ўзимизга қайтди. Энди ҳудосизликда ноҳақ айбланган улуғларимиз ҳақидаги асл ҳақиқатни айтиш, замонасозлик қилиб уларга ёпиштирилган айбномаларни олиб ташлаш пайти келди.

Истиқлолгача Мирзо Улуғбек номи диндан юз ўгириб, илм-фан билан шуғуллангани учун реакцион уламолар томонидан тазйиқ ва таъқибга учраган, охири ҳажга юбориш баҳонасида машҳур тасаввуф шайхи Хожа Аҳрор Валий томонидан ўлдиртириб юборилган ҳукмдор сифатида талқин қилиб келинди. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун биргина мисол келтирамиз: "Улуғбек шахсий ҳаётида ҳам, сиёсий фаолиятида ҳам ислом дини ақидаларига ёпишиб олган ўз отаси Шохрухдан тамомила бошқача йўл тутди. Шохрух Ҳиротда дин пешволари билан ўралашиб қолган, ҳар ҳафтанинг жума куни мунтазам равишда масжидга бориб номоз ўқиган, ман этилган базмларни қаттиқ таъқиб қилган бир шароитда Улуғбек Самарқандда олимлар ва шоирлар доирасида бўлиб, кўпинча дин ақидаларига зид иш қилар эди" ("Самарқанд тарихи", Ташкент, "Фан", 1971 йил, 1-жилд, 219-бет).

Бу каби тумтароқ сўзларни ёзган муҳтарам олимларимиз яхши билишар эдики, совет босқинидан олдин бу юртнинг оддий фуқаросидан тортиб энг улуғ ҳукмдоригача Ислом динида бўлган, унинг ақидаларига бўйсуниб яшаган, ҳаётини Қуръон ва Суннат асосига қурган. Масалан, соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари ёшлик чоғида уч йилдаёқ Қуръони каримни тўлиқ ёд олган, ёд олганда ҳам ундан фикҳий ҳукм чиқара олиш даражасида уни яхши билган. Соҳибқирон намозини қанда қилмай ўқиган, рўзасини тутган, ёлғон сўзламаган, ваъдасига вафо қилган, ҳаром нарсалардан буткул юз ўгирган эди. Буни ҳатто дин душманлари ҳам тан олиб ёзишади. Темурийлардан бўлган Мирзо Улуғбек ҳақида ҳам худди шу гапларни айтиш мумкин. Буни юқоридаги китобдан келтирган иқтибосимиз ҳам тасдиқлаб турибди: ҳудожўй ва тақволи ҳукмдор



Шоҳрухнинг фарзанди аржуманди эътиқодсиз ёки даҳрий бўлиши мумкин эмас!

Устозимиз шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг бундан йигирма йилча олдин нашр этилган китобларидаги “Аввал ўйла, кейин сўйла” сарлаҳали мақолада шундай жумлалар бор: “Баъзи шахслар эса, аввал динсиз қилиб олиниб, сўнгга маълум чегарада ижобий сифатлар билан баҳоланар эдилар. Бундай шахслар қаторига Алишер Навоий, Ибн Сино, Фаробий, Улуғбеклар киритилган эди... Кечагина “Улуғбек Исломга бутун вужуди билан қарши бўлган, у “дин тумандек тарқалиб кетади”, деб айтгани учун золим Хожа Аҳрор бошлиқ жоҳил руҳонийлар унинг ўлимига сабаб бўлганлар” деб, “илмий ҳақиқат”ни турли восита, ҳатто бадий асарларда тарғиб қилаётганлар бугун “Улуғбек чин мусулмон бўлган, Қуръонни яхши ёд билган, фикҳни (Ислом қонунчилигини) аъло даражада ўзлаштирган, шунинг учун ҳам Ислом шариати ила бошқарилган мусулмон давлатга қирқ йил бошлиқ бўлган”, дейишмоқда” (“Жамият кўксига урилган заҳарли ханжар”, 51-52-бетлар).

Мовароуннахрнинг атоқли тарихчиларидан Мирхонднинг “Равзатус-сафо” (Покиза боғ) кўп жилдли асарининг еттинчи жилди Мирзо Улуғбек ҳукмронлигининг сўнгги даврларидан 1493 йилгача (Ҳусайн Бойқаро тарихи) бўлган воқеаларни ёритади. Ушбу китобда ҳам Мирзо Улуғбекнинг комил мусулмон бўлгани, шаръий аҳкомларни оғишмай бажаргани, диний уламоларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатгани батафсил очиб берилади.

Олимнинг болалик йиллари ҳақида гапирганда тарихчилар ёш Улуғбек ҳамиша бобоси Амир Темурнинг диққат-эътиборида бўлганини ёзишади. Темур бутун муҳаббатини ва эътиборини ана шу зийрак, илмга ташна набирасига қаратди, унибилимдон ва тажрибали мураббийлар тарбиясига топширди. Эрта хат-саводини чиқарган, Аллоҳнинг Каломини тўлиқ ёд олган болакай машҳур олим ва шоир шайх Ориф Озарийнинг тарбиясига топширилди. Улуғбек ёш бўлишига қарамай, давлат ишларига ҳам жалб қилинди, давлат кенгашлари ва қабул маросимларида ҳамиша бобоси Темурнинг чап томонида ўтирар эди. Буни Кастилия (Испания) қиролининг Самарқандга келган элчиси Рули Гонсалес де Клавихо ҳам таъкидлаб ўтган.

Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг “Самария” асарида Мирзо Улуғбекнинг ҳаёти ва унинг Самарқандда муҳташам мадраса ва жомеъ масжиди қурдиргани ҳақида батафсил сўз юритилади: “Улуғбек Амир Темурнинг набираси, Шоҳрух мирзонинг тўнғич ўғлидир. 796 ҳижрий, яқшанба куни жумодил-аввал ойининг ўн тўққизинчисида туғилгандир. Шоҳрух мирзо отаси Амир Темур Кўрагоннинг ўлиmidан беш йил кейин Ҳиротдан Самарқандга келиб, Мироншоҳнинг ўғли, ўз биродарзодаси Султон Халилни Самарқанд тахтидан тушириб, ўз ўғли Улуғбекни ўтқазди (аслида у ишқий можароларга ўралашиб қолган шоир Султон Халилга тахтни муносиб кўрмай, ўғлига топширган). Улуғбек хонлигидан ўн олти йил кейин ҳижрий 823 да мадрасасолдирди (Саййид Роқим ўз китобида ушбу мадрасанинг 828 йили қурилганини ёзади). Бобур мирзонинг ривоятига кўра, Улуғбек ўз мадрасасининг жанубида “Муқаттаъ” номли бир масжид ҳам солган. Мадраса битгач, Улуғбек унга ўз даврининг улуғ олими Қозизода

Румийни бош мударрисликка тайинлади, ушбу мадрасада дарс беришга мавлоно Муъиниддин Кошоний, мавлоно Али Қушчи, Саид Имомуддин, Хожа Фазлуллоҳ Абу Лайсий каби забардаст олимлар таклиф этилди. “Бобурнома”да шундай келтирилади: “Улуғбек Мирзонинг иморатларидан Самарқанд қалъасининг ичида мадраса ва хонақоҳдир. Хонақоҳнинг гумбази бисёр улкандир, оламда онча гумбаз йўқ деб нишон берурлар... Яна бу мадрасанинг жанубида бир масжид солибтур, “Масжиди Муқаттаъ” дерларким, қитъа-қитъа йиғочларни тарош қилиб, ислимий ва хитоий нақшла солибтурлар...” Хўш, Самарқанддай улкан салтанат пойтахтида мадраса ва масжид қурдиган, ўзи ҳам унда талабаларга сабоқ берган олим қандай қилиб даҳрий (худосиз) бўлиши мумкин?

Мирзо Улуғбек милодий 1448 йили Машҳадда уюштирилган бир илмий мажлисда ўша даврнинг машҳур тилшунослари Садриддин Раддос ва шайх Ориф Озарийлар билан араб тилининг фасоҳати ва балоғати борасида мунозара олиб борганининг ўзиёқ Улуғбекнинг жуда кўп исломий билимлардан яхши хабардор бўлганини кўрсатади. Атоқли муаррих Муҳаммад Ҳайдар ўзининг машҳур “Тарихи Рашидий” асарида Мирзо Улуғбекнинг даврининг етук риёзиёт ва фалакиёт олими бўлиш билан бирга йирик тарихчи бўлганини ҳам айтган. У, жумладан, шундай деб ёзади: “Мирзо Улуғбек тарихнавис донишманд эди. “Тўрт улус (тарихи)”ни ёзиб қолдирган эди”. Тадқиқотчиларнинг фикрича, “Тарихи арбаъ улус” китоби туркларнинг афсонавий ота-боболари ҳисобланган Туркхон ибн Ёфасдан то Амир Темур вафотигача тўрт улусга (Жўжи, Чигатой, Ҳалоку ва Улуғ улуслари) қарам бўлган мамлакатларда содир бўлган воқеалар ҳақида сўз юритади.

Аслида ўша пайтда Улуғбекнинг фожиали ўлимига сабаб бўлган бир неча вазиятлар юзга келган эди. Булардан бири ва энг асосийси, Улуғбек давлат арбоби ва саркардалиқдан кўра илмни афзал кўрган кўнгилчан бир ҳукмдор эди. Ўз-ўзидан равшанки, бу нарсаси Темур авлодлари бўлмиш жангари шахзодаларга ва урушсиз туролмайдиган саркардаларга ёқмас, улар хассос ва шоиртабиат Улуғбекни унча хушламас эдилар.

Темурий салтанатнинг охириги йирик вакили Шоҳрух мирзо вафотидан кейин эса ўзаро уруш ва можаролар кучайиб кетди. Шоҳрух ўзидан кейин набираси Абдуллатифни тахтга ўтқизишни истарди. Аммо подшоҳнинг хотини Гавҳаршодбегим давлат ишларига аралашиб, бошқа бир негара Алоуддавлани ҳукмдор қилмоқчи бўлди. Оқибатда салтанат тахтини эгаллаш даъвосида юрган Муҳаммад Султон, Абулқосим Бобур, Алоуддава ва Улуғбекнинг ўғли Абдуллатиф ҳукмдорга қарши тиш қайрай бошлашди. Салтанат тахтига Шоҳрухнинг набираларидан кўра ҳақлироқ бўлган Улуғбек ўғли Абдуллатиф билан бирлашиб, Алоуддавлани Ҳиротдан қочишга мажбур этади ва Шоҳрухнинг пойтахтини эгаллайди.

Бироқ тахт илинжида ёнган Абдуллатиф Улуғбек душманларининг иғвоси билан отасига қарши исён кўтарди ва Абулқосим Бобур билан тил бириктириб отасига қарши иттифоқ тузди. Хоин Абдуллатиф азиз отасининг ҳаётига чанг солди ва унинг табиий илмларга рағбати устунлигидан норози бўлиб юрган мутаассиб руҳонийлардан “диндан чиққан” Улуғбекни ўлдириш ҳақида фатво ёздириб олди. Ваҳоланки, Улуғбек

хокимиятни Абдуллатифга топшириб, умрининг қолган қисмини илмга бағишлаш ниятида Самарқандга бориб, ўзини ўғлига топширганини Давлатшоҳ Самарқандий ва “Тарихи Абулхайрхоний” муаллифи Масъуд ибн Усмон Кўхистонийлар ёзиб қолдиришган.

Улуғбекнинг ўлими тафсилотлари ҳақида улуғ муаррихлардан Абдурраззоқ Самарқандий шундай ёзади: “Мирзо Абдуллатиф соҳибқирон хон (Чингизхон) юсунини кўрсатиб ҳаммага амр қилдики, хон (Абдуллатиф Чиғатой наслидан бўлган Муғлуқ исмли бир кимсани номига хон қилиб қўйган эди) олдида тиз чўкиб, “Мирзо Улуғбек менинг фалон кишимни ғайриқонуний равишда ўлдирган, унинг хунини талаб қиламан”, деб арз қилинлар”. Ана шундайлардан бири Сундус қабиласидан бўлган Аббос исмли шахс хон олдида тиз чзкиб, Улуғбекдан қачонлардир катта жиноят қилгани учун қатл қилинган отасининг хунини талаб қилди. Абдуллатифнинг кўрсатмаси билан хон Аббоснинг илтимосини қондирди ва у тунда ҳаж қилиш учун Маккага жўнаб кетган Улуғбекнинг кетидан қувиб етиб, уни Самарқанд яқинида хоинона ўлдирди. Бу фожияли воқеа, Мирхонднинг айтишига қараганда, ҳижрий 853 сана саккизинчи рамазонда содир бўлди.

Қолаверса, диний уламоларнинг жоҳил, янгиликка қарши, мутаассиб қатлами ҳам фалакшунослик ва риёзиёт каби илмларга “муккасидан кетган” Улуғбекни ёқтирмаслиги ҳам ҳақиқат эди. Ваҳоланки, диний ва дунёвий илмлар ўртасига хитой девори қуриб оладиган, суриштириб ўтирмай ҳар қандай тараққиёт янгилигини ҳаромга чиқарадиган бундай жоҳиллар Улуғбек замонидан олдин ҳам, кейин ҳам етарлича топилган. Аммо Хожа Аҳрор Валийдай улуғ мутасаввифнинг, Аллоҳнинг дўстларидан деб тан олинган кароматли шайхнинг Улуғбекнинг ўлимига ҳеч қандай алоқалари бўлмаган. Бу тарихий мудҳиш ҳатони тузатиш йўлида катта изланишлар олиб борган самарқандлик тадқиқотчи, Хожа Аҳрор Валийнинг авлодларидан Комилхон Каттаев “Хожа Аҳрор Валий ва Мирзо Улуғбек муаммолари” деган махсус рисола ёзиб, 2004 йили Самарқандда чоп эттирди. Келинг, ана шу илмий асарнинг мавзуимизга оид айрим ўринлари билан танишиб чиқайлик.

Комилхон Каттаевнинг ёзишича, “Хожа Аҳрор Валий билан Мирзо Улуғбек ораларини дастлаб академик Бартолд бошлиқ шарқшунослар бузган бўлса, кейинчалик ўзимиздан чиққан олимлар давом эттиришди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг биринчи президенти Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий 1951 “Астрономическая школа Улугбека” номли монографиясида ҳазрати Хожа Аҳрорни Мирзо Улуғбекнинг ўлдирилишда айблайди. Академикнинг бу фикрига ушбу сатрлар муаллифининг бобоси Каттахонхожа Даҳбедий (1868 – 1969) қарши чиққан эдилар... (Хожа Аҳрор Валий у кишига она томондан катта бобо эдилар). Каттахонхожа Эшон бу асарни Ислом динига ва маърифатга қарши янги фитна деб тушуниб, ўша заҳоти Ўзбекистон Фанлар академиясига ва унинг раҳбарига хат жўнатадилар ҳамда академик жуда катта тарихий хатога йўл қўяётганини изҳор этадилар. Буни далиллаш учун тошкентлик катта олимларни Даҳбедга тақлиф этадилар”.

Рисолада ёзилишича, “Собиқ Иттифоқ тарихчилигида бу муаммони ўрганишда жуда кўп чалкашликларга йўл қўйилган. Аввало, Хожа Аҳрор ва Мирзо Улуғбек бир-бирлари билан учрашишмаган. Хожа Аҳрор халққа

танилганидан кейин Самарқандга биринчи марта милодий 1450 йили келган (1427 йили оз муддатга ўқишга келган, аммо шаҳардаги мадрасаларнинг минглаб талабалари ичида ёш Убайдуллоҳнинг ҳукмдор Улуғбек билан шахсан таниш бўлиши эҳтимолдан йироқдир). Бу пайтда Мирзо Улуғбек ҳам, унинг падаркуш ўғли Абдуллатиф ҳам ҳаётда йўқ, хокимият Улуғбекнинг куёви ва жияни Абдуллоҳ мирзо қўлида эди. Шу далилнинг ўзи ҳазрати Хожа Аҳрорнинг Улуғбек фожиясига умуман алоқалари бўлмаганини исботлаб турибди”.

Комилхон Каттаевнинг фикрича, совет шарқшунослари ўйлаб топиб, кейин зўр бериб аланглатган бу уйдирмани ўзбек олимлари ҳам қўллаб, Хожа Аҳрорга тўхмат қилиш бобида мустамлакачиларни ҳам ортда қолдириб кетишади. Муаллиф ўз рисоласида шундай ёзади: “Русиялик А. Болдирёв, тожикистонлик Аълохон Афсадзод каби олимлар мустабид тузум даврида ҳам Хожа Аҳрор ҳақларида ҳақиқатни ёзишга ҳаракат қилишгани ҳолда баъзи юртдошларимиз бу валий зотни “тараққиёт душмани”, “Улуғбекка қарши чиққан шахс”, “реаксион дин арбоби” сифатлари билан китоблар ёзишган эди. Яна бир катта инсофсизлик шуки, айримлар Улуғбекнинг қатлини унинг расадхона қурдирганию фалакшунослик илми билан шуғулланганига боғлашади. Бу даъвода ҳам ҳеч бир асос йўқ! Динимиз, айримлар зўр бериб истаганидай, илм-фанга, тараққиётга зид эмас. Мирзо Улуғбек ҳам ҳеч қачон ғайридин бўлмаган, беш вақт намозини қанда қилмаган, асарларида Ислом дини ва ақидасини ҳамоя этган зотдир. Бунинг устига мусулмон оламида Улуғбекдан олдин ҳам, кейин ҳам фалакиёт билан шуғулланилган, расадхоналар қурилган. Энг қизиғи, Хожа Аҳрор қурдирган ва Сўзангарон кўчасида жойлашган мадрасанинг деворига туташ ҳовли Улуғбекнинг энг яқин шогирди мавлоно Али Қушчиға тегишли бўлган. Бу аллома устози Улуғбек вафотидан кейин яна йигирма икки йил мобайнида шу ҳовлисида тинчгина яшаб ижод қилган”.

Ўзимиздан яна шуни қўшимча қиламиз: Али Қушчининг Ислом оламида мартабаси шунчалик баланд эдики, тахт учун уруш-можароларидан тўйиб, ватанини тарк этган олим умрининг охиригача Туркиядаги Аё-София жомеъ масжиди қошидаги мадрасада бош мударрис бўлди ва Истанбулда вафот этганидан сўнг мусулмонларнинг табаррук зиёратгоҳи – Абу Айюб Ансорий қабристонига дафн этилди.

Хулласи, ўзоқ йиллар мобайнида Мирзо Улуғбекка ноҳақ тақилган даҳрийлик тамғасини олиб ташлаш, унинг ўлимида Хожа Аҳрор Валийдай табаррук зотни айблаш каби тўхматларга чек қўйиш пайти келди. Айрим замонасоз олимлар ёзиб келганидай Мирзо Улуғбекнинг ўлимига Ислом дини ҳам, Хожа Аҳрор Валий ҳам сабабчи эмас, балки бу фожия ҳукмдорнинг айрим кишилар билан шахсий адовати ва тахт учун курашлар натижасидир. Бунга исбот-дадил ахтариб юришнинг ҳожати ҳам йўқ. Мирхонд, Давлатшоҳ Самарқандий, Абдурраззоқ Самарқандий, Абу Тоҳирхожа, Муҳаммад Ҳайдар, Хондамир каби инсофли тарихчиларимизнинг асарларига холис мурожаат қилинса, кифоя!

Аҳмад МУҲАММАД.

ИШҚ ҲАҚИҚАТИ

МАЙ ФАРЁДИ

Қуйдилар май, келди садоси:
«Эдим бир бош ажва хурмоси.

Вужудимни расо билдилар,
Ўз танамдан жудо қилдилар.

Чидамайин этгандим фигон,
Ўтга тутиб қилдилар бийрон.

Кундузлари қайнардим тинмай,
Кечалари мижжа ҳам қоқмай.

Сўнгра олиб, зиндонбанд этиб,
Жигар-бағрим титкилаб, эзиб.

Вужудимни пора этдилар,
Ўзлизимдан жудо этдилар.

Бирдан қолдим бутунлай тиниб,
Кетдим гўё борлиққа сингиб.

Шунда жило айлади офтоб,
Бўлдим бирдан ажойиб шароб.

Шундан буён иззат ичраман,
Доим айшу ишрат ичраман.

Ошиқларга кўзгуман гўё,
Маъшуқасин кўрарлар танҳо.
Мендан тотса ким, куйиб ёнар,
Охир, хатто ўзидан тонар.

Унутар бор дарду ғамларин,
Ўйламас ҳеч кўпу камларин.

Шу сабабдан бўлдим қўлма-қўл,
Висол ариши учун танҳо йўл.

Ёр васлидан баҳраманддирман,
Ҳарамиди аржуманддирман».

КОСА САДОСИ

Тилга кириб косаси шу дам,
Деди: «Айтай сўзларим мен ҳам.

Асли наслим тупроқдан, билинг,
Одам ёки япроқдан, билинг.

Мен эрурман кимларнинг боши,
Нозанинларнинг қалам қоши.

Подшоҳми ё ғаний, олим,
Ё гадоми, мазлумми, золим.

Менга йўқдир ҳеч бирин фарқи,
Бир эмасми тупроқнинг нархи?!

Сўнгра бўлдим сув билан ошно,
Ана шундан бошланди ғавго.

Оғирлашди вужудим бутун,
Оғриқ недир, англадим бу кун.

Отиб мени оёқ остига,
Ўтдилар сўнг бости-бости.

Тепкилашди беармон, роса,
Бўлсин дейиб мени чин коса.

Сўнгра уриб шакл бердилар,
«Яхши босинг, пишсин», – дердилар.

Ундан олиб ўтга тутдилар,
Чўгдек бўлмоғимни кутдилар.

Вужудимда қолмади ғубор,
Кетди мендан олдин неки бор.

Таратдим, бас, жарангдор садо,
Ишқ аҳлини айладим шайдо.

Кўринг, қандоқ соф бўлди жисмим,
«Коса» дейиб қўйдилар исмим.

Шундан буён қўллар узраман,
Қасру айвон, шоҳлар ичраман.

Менда тўла муҳаббат майи,
Куйлар мени муганний найи.

Менсиз ўтмас шоҳларнинг базми,
Шоирларнинг битмагай назми.

Ошиқларнинг қўлидадирман,
Ёрнинг ўнгу сўлидадирман».

КЎЗА САДОСИ

Бирдан кўза айлади нидо:
«Мен ҳам деяй, қолмайин танҳо.

Тупроқдандир менинг ҳам жинсим,
Коса асли менинг ҳамжинсим.

Оби ҳаёт устимдан қуйиб,
Ажратдилар аслимдан узиб.

Бундан бўлдим нолону гирён,
Не қиларлар, билмасдим ул он.

Неча кундир эркин қўйдилар,
Кейин вужудимни ўйдилар.

Ерга уриб, тепкилаб, эзиб,
Жигар-бағрим поралар этиб.

Сўнгра мени қолибга солиб,
Ортиқ жойим ташлашди олиб,

Тутиб яна бағрим ўйдилар,
Ичимни бўш қилиб қўйдилар.

Чиқардилар қулоғу кўзим,
Танимасдим ўзимни ўзим.

Кейин олов ичра солдилар,
Айтинг, қачон у кир қолдирар?!

Кундузлари ёнардим тинмай,
Кечалари мижжа ҳам қоқмай.

Қолмади ҳеч ҳоҳишларим ҳам,
Тамом бўлди нолишларим ҳам.

Эсиб бирдан ажойиб шамол,
Вужудимда қолмади мажол.

Сокин бўлди бутун борлигим,
Сезмай қолдим ўзим борлигим.

Топдим ажиб ҳусн ва зийнат,
Шон-шарафу, бебаҳо қиймат.

Кўрдилар, бас, шаробга лойиқ,
Тутдилар бош узра халойиқ.

Доим шоҳлар билан суҳбатим,
Базму ишрат ҳам маишатим.

Қасру бўстон масканим мудом,
Менга майдан ўзгаси ҳаром.

Ўзгага йўқ, чунки, ҳожатим,
Ҳожатим не, балки тоқатим.

Зотан, ул май ичим қиздирар,
Тушса не ёт нарса, куйдирар.

Барча фойда, лаззатим майдан,
Келмагай бу ўзга бир шайдан.

У туфайли ёр биландирман,
Суҳбатидан баҳрамандирман.

Мадҳ этиб ёр мақтайди мудом,
Менга асли етар шу мақом.

Лек, умидим, илтифот айлаб,
Тонгла, «Эй, кел!», деб хитоб айлаб.

Базм этарда ўшал бозида,
Чорлагайдир висол чогида.

СОҚИЙ САДОСИ

1.

Алар сўзин тинглагач соқий,
Деди: «Айтай каломи боқий.

Эй май, аввал сендан бошлайин,
Кўзларингни, кел, бир ёшлайин.

Сен, танамдан ажралдим, дединг,
Бил, ўшанда тузилган эдинг.

Айрилиқдан бўлгандинг гирён
Бошланди, бас, сенга имтиҳон.

Хуруж қилди илк нафси бад,
Шайтон душман бўлди то абад.

Етди сенга хилма-хил озор,
Сабр билан ютдинг сен ҳар бор.

Узлат этдинг боридан қочиб,
Ҳақдан ўзга барчадан тониб.

Кетди жумла ўзга неки бор,
Қолмади ҳеч сенда кир, губор.

Қарор топдинг сен шу ҳолатда,
Етди бир ҳол ушбу соатда.

Қучиб сени илоҳий севги,
Бўлдинг соф, чин, ҳақиқий севги.

Битди кулфат, топдинг шон-иззат,
Ҳақнинг ёди сенга айш-ишрат.

Толибларга матлубсан мангу,
Гўё тавҳид нурига кўзгу.

Тушсанг агар кимнинг кўксига,
Сендан ўзга сизмас кўнглига.

Туйиб сендан лаззат, ҳаловат,
Гўё ичмиш жаннатий шарбат.

Дунё гамин чекмас, кўнгли тўқ,
Бойлик етса-кетса, фарқи йўқ.

Еру кўкда ҳурмат не ажаб,
Сенсан Ҳаққа етмоққа сабаб.

Сенсиз Унга боғланиб бўлмас,
Боргоҳига кириб бўлмас.

Ким сен билан, баҳраманд бўлгай,
Даргаҳида аржуманд бўлгай.

Ушбу васфинг мақсад ва гоё,
Исминг магар ҳолдан киноя.

2.

Кел, эй коса, тингла сўзларим,
Мен айтай, сен англа сўзларим.

Жисминг асли яралмиш ердан,
Сўнгра келдинг қайсидир эрдан.

Бўлса қандоқ боиси жисминг,
Ўзгармас ҳеч жисмингу исминг.

Зеҳн солиб, тафаккур қилсанг,
Бир хил зарра барчаси, билсанг.

Сўнг қоришди жисмингга руҳинг,
Бошланди, бас, дарду шукуҳинг.

Жисминг сезиб оғирлик шундан,
Руҳинг туйиб оғриқ шу кундан.

Тушдинг ерга, тортдинг азият,
Лозим эрди сенга тарбият.

Устоз сени юмшатди олдин,
Чунки жисминг асли сополдин.

Зоҳир этди барча зийнатинг,
Кетказди ҳам ёмон хислатинг.

Мақсад эрди буткул ростламоқ,
Ирфон учун сени хосламоқ.

Солиб сенга муҳаббат ўтин,
«Ўзга»ларни куйдирди бутун.

Қолмай губор, бўлдинг мусаффо,
Топди ҳатто ўзлигинг фано.

Кўриб сени, юракми, дерлар,
Руҳинг эса кўнгилдан асар.

Титрар сенинг нолангдан жаҳон,
Айлар сен-ла ошиқлар фигон.

Топдинг иззат еру осмонда,
Жаннат аҳли ичра ризвонда.

Сен ўзингсан муҳаббат ўрни,
Бу оламда маърифат ўрни.

Ошиққа йўқ сенсиз ўзлиги,
Шоирларга қайда сўзлиги?!

Файзу илм қароргоҳисан,
Чунки, Ҳақнинг назаргоҳисан.

Ёдидан ҳеч тўхтамас лабинг,
Розилиги эрур матлабинг.

Коса сенинг мажозий отинг,
Юрак-кўнгил ҳақиқий зотинг.

Сен каби чун солиқнинг дили,
Дил эса бу – вужуд қандили.

3.

Энди навбат сенга, эй кўзам,
Сўзларимдир сен учун малҳам.

Билки, отанг ердан яралмиш,
Кўкси, «юрак» дея аталмиш.

Сен эрурсан унинг наслидан,
Қандай тонар насл аслидан?!

Пуфланди руҳ жонсиз танангга,
Қадам қўйдинг она ватанга.

Ўтмишингдан ажраб йиглардинг,
Келажагинг қайдан билардинг?!
Гўдаклигинг ўтгач бегубор,
Бошланди гам-ташвишу озор.

Нафсинг сени қийнарни қайнаб,
Қилар эди неларни талаб.

Қайтарарди ундан виждонинг,
Ўйлаки, ул тугма иймонинг.

Учради бир муғанний сенга,
Яъники, бир мураббий сенга.

Қийнаб эзди нафси балойинг,
Синдирди ҳам кибру ҳавойинг.

Бериб гўзал ахлоқий шакл,
Кетказди не бўлса ноасл.

Ҳамда сенинг кўксингни очиб,
Дунё ишқин ташлади олиб.

Очди қалбинг қулоғу кўзин,
Англагайсан токи Ҳақ сўзин.
Булар бори дарак билимдан,
Муқаддамдир одоб илмдан.

Қўйган эдинг илмга қадам,
Топди барча губоринг адам.

Битди ўйин ва роҳатларинг,
Уйқу бўлди ибодатларинг.

Тамом бўлди ҳавойи нафсинг,
Бўлди ризо қояси хасминг.

Хотиржамлик, сокинлик топдинг,
Фано ичра сокинлик топдинг.

Ҳақдан етди тажаллий сенга,
Насиб этди таваллий сенга.

Илм билан бўлдинг музаййан,
Олимга йўқ қиймат муаййан.
Ҳақ ишқига бўлдинг муносиб,



Инсу малак хайлига голиб.
Ҳамсуҳбатинг аҳли маърифат,
Ҳақ ёдидир сенга айш-ишрат.

Жойинг илму зикр халқаси,
Сенга ҳаром ишқдан бошқаси.

Бошқадан чун сенга не ҳожат,
Ўзга севги келтирар кулфат.

Ҳақнинг ишқи ўртатар дилни,
Васфи ожиз қолдирар тилни.

Лаззати тан, жонингни қамрар,
Барча ғамлардан халос айлар.

Ундан ўзни ажратолмассан,
Боисин, лекин, билолмассан.

Ёди Ҳаққа неки зид келмиш,
Дилдан ани ишқ даф этмиш.

Доимо Ҳақ ёди бирлансан,
Ҳам Каломин зикри бирлансан.
Кўкда ёд айлар сени Аллоҳ,
Ўзга халққа қайдадир бу жоҳ?!

Лек, умидинг, тонгла лутф айлаб,
«Иржиғий» бирлан сени чорлаб.
Жаннатида аржуманд этгай,
Ҳам Юзидан баҳраманд этгай.

Ушбу ҳолинг англаб илм аҳли,
На илм, бил, илму билм аҳли.

Айламишлар тасбеҳ кўзага,
Қадрингни жавҳар ферузага.

Ҳақ йўлида соликсан асли,
Англамас, лек, буни жаҳл аҳли.

Сен билан бор қалбу муҳаббат,
Бўлмаса дил, сенда йўқ журъат.

Лек бўлмаса муҳаббат агар,
Иккинги ҳам оддий лой магар.

Гар десангиз: «Кимсан сен ўзинг?
Пурмаъно ҳам роҳатбахш сўзинг!».

Исми Муршид, лақабим Соқий,
Барча фоний, магар, Ҳақ боқий.

Сизга ҳақни етказдим тамом,
Сўзим битди энди, вассалом.

Ҳасанхон Яҳё
Абдулмажид

ЁЛҒОН ТУФАЙЛИ БОШЛАНГАН БОСҚИН

**АҚШНИНГ ИРОҚҚА ҚАРШИ БОШЛАГАН БОСҚИНИГА ЎН ЙИЛ
БЎЛДИ, АММО УНИНГ ЖАРОҲАТЛАРИ ҲАЛИГАЧА БИТГАНИ ЙЎҚ!**

АҚШнинг тинчгина яшаётган Ироққа қарши бошлаган босқинига бу йил ўн йил бўлди. Кўпчилик катта қурбонлар ва вайронагарчиликларга сабаб бўлган ушбу қирғин урушининг нима сабабдан бошланиб кетганига ҳанузгача маънилироқ бирор жавоб топа олгани йўқ. АҚШнинг дунё зўравонига айланишига туртки бўлган Ироқ кампаниясини бошлашга ироқлик оддий муҳандиснинг исботланмаган гапи сабаб бўлган, деса балки кўпчилик ишонмас ҳам! Келинг, ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берайлик...

Олмониянинг Карлсруэ шаҳрида Рафед Аҳмад Алвон Жанобий исмли оддийгина бир киши яшайди. Унинг исми кўпчиликка нотаниш бўлса ҳам, собиқ АҚШ президенти Жорж Бушдан тортиб Олмониянинг собиқ канцлери Герхард Шредер каби жуда кўп раҳбарлар уни яхши танишади. Бу одам Америкага Саддам Ҳусайн кимёвий қуролга эга экани ҳақидаги "ҳужжат"ни ҳадя қилгани билан машҳур. Эллик уч ёшли Рафед Алвон Жанобий уни кимдир пойлаётгандек доимо хавфсираб, атрофига тез-тез қараб қўядиган одат чиқарган.

Икки мингинчи йилларгача у ўзига ўхшаш ўн минглаб ишсизлар каби Олмониядан сиёсий бошпана излаётган оддий ироқлик бир ишсиз муҳандис эди. Бироқ орадан бир неча йил ўтгач, у бир неча қудратли мамлакатларнинг махсус хизматларини лаққа тушириб, ўз манфаатларига хизмат қилдира оладиган ўзига хос бир шахсга айланди.

2003 йил бошида БМТдаги ўзининг машҳур нутқида АҚШнинг собиқ давлат котиби Колин Пауэлл "эътимод қозонадиган ишончли маълумот етказувчи гувоҳга" таяниб таъкидлаган эдики, Саддам Ҳусайнда оммавий қирғин қуролларининг мавжудлиги мутлақо шубҳага солмайди, чунки Америка Саддам режими халқаро қузатувчилардан яшираётган "кўчиб юривчи филдиракли лабораториялар"ни ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг кўрсатмаларини қўлга киритган.

АҚШ давлат котиби таянган биологик қурол ишлаб чиқариш бўйича фабрикада ишлайдиган гувоҳ Рафед Алвон Жанобий эди. Давлат котиби бутун дунёни ларзага солган ушбу ваҳимали гапларини "эътимод қозонувчи ишончли гувоҳ" Рафеднинг сўзларига асосланиб гапирган эди. Пауэлл "бир-икки ой ичида юз минглаб одамларни қириб юбора оладиган катта миқдордаги биоло-

гик қурол ишлаб чиқариш қудратига эга бўлган поезд ва вагонлар" ҳақида батафсил гапириб берди. Бунга ўхшаш даҳшатли "тафсилот"лар ва ваҳимали "далил"лар дунё аҳлини Саддам Ҳусайнга қарши уруш очиш лозимлигига ишонтириш учун керак эди.

Алвон Жанобий эса Саддам Ҳусайнни ағдариш ва шу билан бирга Олмониядан сиёсий бошпана олиш учун ҳаммасини ёлғондан тўқиб гапирганини кейинчалик тан олди. Сўзларининг бошидан-охиригача, майда-чуйда тафсилотларигача ёлғон экан. Эндиликда, ўзининг эътироф этишича, у олмон махсус хизматлари билан бўлган суҳбати давомида ҳаммасини ўзича тўқиб гапирган экан.

Унинг ёлғонларига кўра, у ватанида бактериологик ва биологик қурол ишлаб чиқарувчи кимёвий лабораторияларда ўта махфий равишда ишлашга мажбур бўлган эмиш. Бу лабораториялар махсус вагонларда жойлашган бўлиб, халқаро қузатувчилар текширишга келганида уларни бир жойдан бошқа жойга кўчириб туришган. Биринчи имконият туғилиши биланоқ у Ироқдан қочган эмиш, чунки у золим ҳукмдорга хизмат қилишни истаман эмиш.

Рафед Жанобийнинг Ироқ биологик қуроллари ҳақида гапирган бирорта сўзи ҳам тўғри бўлиб чиқмади, яъни ўз тасдиғини топмади. Мутахассислиги муҳандис бўлган бу кимса кимёвий лабораторияларни ҳам, оммавий қирғин қуролларини ҳам ўз кўзи билан кўрмаган. У "Золим ҳукмдорни ағдаришим учун бирон нарса ўйлаб топиш имконияти пайдо бўлди", дея юз минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган ёлғонини оқламоқчи бўлади.

Айтмоқчи, олмонларнинг махсус хизматлари, бир неча ой ичида унинг ёлғонларини фош қилишга муваффақ бўлишди. Ҳар сафар у янги-янги ёлғонларни тўқиганидан олдинги ёлғонлари билан ёпишмай борарди. Бироқ, афсуски, ўша вақтдаёқ бу ажойиб гувоҳ "америкалик дўстлари"га Ироқнинг оммавий қирғин қуроллари ҳақида маълумот бериб улгурган эди. Жорж Буш маъмурияти ўша пайтда Ироқни босиб олиш учун бир ишончли баҳона қидираётган эди. Шунинг учун ҳам у Берлиндан келган махфий хабарга қаттиқ ёпишиб олди.

Бироқ, Олмониянинг кейинчалик юборган "гувоҳнинг ёлғон гапириш эҳтимоли" ҳақидаги хабарлари, ҳатто

Олмония махсус хизмати раҳбари Аугуст Ханниннинг Марказий Разведка Бошқармасидаги ҳамкасбига ёзма равишда Жанобийнинг ғирт ёлғончи экани ва унинг кўрсатмаларини эътиборга олмаслик ҳақидаги мактублари ҳам эътиборга олинмади. Чунки сохта гувоҳнинг ёлғонлари америкаликлар истаган ва анчадан бери орзу қилаётган кўрсатмалар эди-да!

МРБдагилар Рафед Жанобийга Curveball деган лақаб қўйиб олишди. Бундай олқишга ҳали Америка учун ишлаётган ҳеч бир жосус сазовор бўлган эмас эди. Америкаликлар Шарқий Европадан чиққан ва махфий қурол ҳақидаги маълумотларга эга бўлган сотқинларни одатда ball (яъни тўплар) деб, аташар эди. Curveball сўзи эса бейсбол ўйинида кутилмаган тўп зарбасини англатади.

Бу вақтгача Буш маъмурияти қўлида Саддамнинг биологик қуролга эга экани ёки Ироқ ҳукуматининг “Ал-Қоида” террорчи ташкилоти билан алоқалари бўлганини исботлаш учун бирорта далил-ҳужжат бўлмаган. Шу орада ироқлик Жанобийнинг, бунинг устига касби кимёгар бўлган одамнинг топилиб қолиши ҳақиқатан тақдир тухфаси эди. Ироқни босиб олишга яхшигина баҳона топилди ва қонли уруш бошланиб кетди. Буюк товламачи аслида оддийгина ёлғончи-каззоб бўлиб чиқди. Жанобийнинг ўзи эса, Колин Пауэллнинг нутқини эшитиб, ҳайратда қолганини айтади ва “Олмонлар мен ҳақимдаги маълумотларни америкаликларга сотибди”, деб хафа бўлади.

Америкаликлар эса, ўз ахборотчиларига бир тийин ҳам тўлашгани йўқ. “Бебаҳо маълумот етказган одам”нинг ёлғончи ва каззоб экани маълум бўлгунча, Олмония махсус хизмати ироқлик муҳандисга ҳамкорлик учун ойига уч минг евродан пул тўлаб турган. “Бироқ, мен ҳаммасига розиман, – деб қўшимча қилади Curveball. – Охир-оқибат Ироқни золим мустабид бошқараётгани йўқ-ку!

2007 йили Олмония махсус хизматлари “махфийлик” грифини бекор қилиши билан жамоатчиликка олдин ҳам маълум бўлган нарсалар ўз тасдиғини топди, яъни Ироқдаги уруш ёлғон ва тўқима маълумотларга асосланиб бошланган экан. Рафеднинг исми газета-журналлар саҳифасида пайдо бўла бошлади. Маҳмадона Рафед эса, ўшанда барча гапларни ўзича тўқиб айтгани ҳақида интервьюлар бера бошлади. Ёлғонни тўқиб ташлагани ҳақидаги суҳбатларига бошда яхшигина пул тўлаб туришди. Уддабурон муҳандис оддий одамлар учун узоқ йиллик ҳибс хавфини соладиган ёлғон нарса билан мўмайгина пул ишлаб олди. Сўнгра эса, Жанобийнинг гап-сўзлари шов-шув бўлмай қолди ва нашриётлар у билан суҳбат учун пул тўламай қўйди. 2010 йили ироқлик Остап Бендер Олмониядаги НДР телекомпанияси мухбирлари билан аҳдлашувни бузгани учун уни полицияга чақиришга мажбур бўлишди. Собиқ Curveball олдинроқ мухбирларни қабул қилишга ваъда берган бўлса ҳам, уларнинг пул (қалам ҳақи) бермаслигини билгач, суҳбатдан воз кечган экан.

Аслида, ироқлик товламачи муҳандиснинг ёлғонлари Америкадаги расмий сиёсатдонларнинг расмий ёлғонлари олдида ҳеч нарса бўлмай қолди. Икки

нотижорий ташкилот – “Мустақил журналистика учун” жамғармаси ва “Ҳукумат ҳаққонияти учун” маркази Оқ уйнинг 2001 – 2003 йиллар оралиғида Ироқ масаласида эълон қилган ёлғон баёнотлари сонини ҳисоблаб чиққан. Уларнинг маълумотларига кўра, 2001 йилнинг сентябридан 2003 йил сентябригача бўлган расмий чиқишларида АҚШ президенти Жорж Буш – икки юз олтимишта, давлат котиби Колин Пауэлл – икки юз эллик тўрт, мудофаа вазири Доналд Рамсфелд – бир юз тўққизта, Оқ уйнинг матбуот котиблари Ари Фляйшер ва Скотт Макклеллан тегишли тарзда – бир юз тўққизта ва ўн тўртта, мудофаа вазири ўринбосари Пол Вулфовиц – саксон бешта, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари бўйича маслаҳатчиси Кондалисса Райс – эллик олтига, АҚШ вице-президенти Дик Чейни – қирқ саккизта ёлғон ишлатган. Улар бу ёлғонлари билан омма ҳузуридаги нутқлар, матбуот анжуманлари баённомалари, суҳбатлар, қасам ичиб берилган гувоҳликлар ва бошқа манбалар орқали бутун дунёни ўзларининг ҳақликларига ишонтириш учун ишлатишган. Тадқиқотчилар умуман АҚШ расмийлари фақат икки мавзуда – Ироқда оммавий қирғин қуроллари бор ва Саддам Ҳусайн “Ал-Қоида” билан алоқадор деган даъволарни исботлаш учун икки йил ичида жами 935 та ёлғон ишлатганини ҳисоблаб чиқишди.

Ана шундай ёлғонлар билан бошлаб юборилган урушнинг нима билан тугагани ҳаммага маълум. Саддам Ҳусайн ўз гуноҳлари ва хатолари учун фожиали ўлим топди. Ўз ҳукмронлиги йилларида художўйлиги, тақвоси ёки адолатпарварлиги билан унча танилмаган ҳукмдорга Парвардигор ўлимини муносиб қарши олиш имконини берди. Парвардигори олам ҳар қандай бадбахт жоҳилга ҳам ўз раҳматини ато қилиб, тавба эшикларини очиб қўйиши мумкин, чунки “Аллоҳ таоло Ўзи истаган бандасини тўғри йўлга ҳидоят қилиши мумкин”. Шу билан бирга Аллоҳ таоло бутун дунёга кўрсатиб қўйдики, золим ҳукмдордан халос этиш баҳонасида бу ажойиб ва гуллаб-яшнаган юртга бостириб кирган ва унинг аҳолисини чидаб бўлмас ситам ва кулфатларга гирифтор қилганларнинг ўзи ҳам ундан асло қолишмайди. Ўзида “жасорат” топиб, Америка кучлари ёрдамида “жароҳат олган шерни оёқ ости қилган” ироқликлар ҳам босқинчилардан баттардир.

Саддам Ҳусайннинг ўрнига ундан баттар золимлар келишди. Энди уларнинг зулми Саддам Ҳусайннинг зулми олдида унча катта кўринмаса-да, улар адолатсизликда, диний эътиқодларни поймол қилишда ундан қолишмас эди.

АҚШнинг собиқ давлат котиби Колин Пауэлл Ироққа бостириб кириши арафасида БМТда гапирган нутқининг ҳаётидаги энг шармандалик ҳодиса бўлганини ҳақида айтди. Кеч бўлса ҳам текширилмаган маълумотлардан, аниқроғи ёлғон ва уйдирмалардан фойдаланганини тан олди.

Curveball Рафед Жанобий эса бир неча йил олдин Олмония фуқаролигини қўлга киритди. У олдингидек кинокамералар қаршисида ўз хурсандчилигини яшириб ҳам ўтирмайди. “Мен алдаган эдим, – дейди у. – Кимёвий қурол, кўчма лаборатория ҳамда бомба солинган

кутиларни ўзимдан тўқиб чиқарганман". Ва беўхшов тир-жаяди. У доим шундай кулиб юради. Эҳтимол, у билан ўзининг ёлғони тинч мамлакатни уруш гирдобига тортгани, миллионлаб ватандошларининг ҳалокатига сабаб бўлгани сабабидан миясида тинчлик бермаётган нохуш ўй-хаёлларни бир дам унутмоқчи бўлар?! Балки, адолат танатана қилиб, уруш бошланишига сабаб бўлгани ёки оммавий қирғинларга шерик сифатида устидан жиноий иш қўзғалиши мумкинлиги ҳақидаги фикрлар унга азоб бераётгандир?! Нима бўлганда ҳам пул ёки озгина мартаба учун миллатини, халқини, эътиқодини сотганини Худодан ҳам, бандасидан ҳам яшира олмаслигини яхши билади. У шунчалар кенг кўламли хиёнатга ва жиноятга қўл уришига сабаб бўлган нарсалар эса жуда арзимас: уни бемалол америкалик дўстларига сотган бегона мамлакатнинг фуқаролигию, сотқинлиги эвазига қўлга киритган қонли танга-чақалар, холос. Одатда хиёнаткор сотқинларнинг қисмати ҳамиша шундай якун топади.

Ироқдаги уруш расмий равишда тугаган, дея эълон қилинса ҳам, у ҳозиргача давом этмоқда. Турли манбалар мамлакат босиб олиниши туфайли 700 мингдан бир ярим миллионгача ироқликлар ҳалок бўлганини айтишмоқда. Ироқнинг шаҳар ва қишлоқларида ташқи душман бир неча гуруҳга ажратиб ташлаган ироқликлар ҳар куни, кун оша бир-бирларини портлатиб, қурбонлар сонини тинимсиз ошириб боришяпти. Издан чиққан иқтисод, вайрона шаҳар ва кўчалар, портлатилган мактаблар, мотам либосидаги бевалар, бир-бирига душманган айланган ака-укаларнинг фожиаси зарарларини ҳозиргача ҳеч ким ҳисоблаб чиққани ҳам йўқ.

Ушбу уруш олиб келган миллионлаб қурбонлар, халқаро майдонда, айниқса Ислом оламида АҚШ обрўйининг тўкилиши, урушга сарфланган триллионлаб доллар пуллар, армия шахсий таркибидан урушда ҳалок бўлган минглаб жангчилар – буларнинг ҳаммаси Америка Ироқ кампанияси учун тўлайдиган товоннинг бир қисми, холос. Америка президенти Буш бошлиқ раҳбариятнинг ниятига кўра, Ироқ уруши туфайли Ироқ давлати тепасига кучли, барқарор, Америкага маъқул келадиган, демократик бир ҳукуматнинг келишига кўмаклашиш эди. Улар бу билан минтақадаги террорчи ташкилотларга сезиларли зарба бериш, Эрон ва Сурия каби мустабид режимларнинг бемалол ҳаракат қилиши учун имкон қолдирмаслик, турли мамлакатларда, хусусан, Саудия Арабистонида ислохотлар жараёнига йўл очиш, ХАМАС каби гуруҳларга ёрдам беришнинг олдини олиш, Фаластин – Исроил масаласини осонгина ҳал этишни кўзда тутишган эди. Бироқ, бу режаларнинг бари чиппакка чиқди. Мақсадлар амалга ошмади.

Ҳозир Ироқда Эрон билан яқинлашиш тарафдори бўлган Моликийнинг авторитар ҳукумати фаолият кўрсатмоқда. У "террорчилик ташкилотларига аъзолик"да айблаш ёки қамоққа олиш йўли билан ўзининг сиёсий муҳолифларини йўқ қиляпти, ички ишлар вазирлиги ва мудофаа идораси устидан якка ўзи назорат ўрнатиб олган, турли разведка хизматлари ёрдамида жамиятнинг барча қатламларини террор қилмоқда. Бунинг устига мамлакат турли мазҳабларнинг ўзаро кураш майдонига айланиб кетдики, бу шу минтақадаги

кўплаб мамлакатлар учун жиддий хавф солиши билан бирга Америка орзу қилган кучли ва барқарор Ироқ образи хаёллигича қолиб кетишидан дарак бериб турибди.

Тинч Ироққа қарши бошланган бемаъни уруш бундан бошқа яна кўплаб кўнгилсизликларни келтириб чиқарди. Ироқда ҳам, атроф ҳудудларда ҳам Эроннинг таъсир доираси янада кенгайди. Айнан Саддам Ҳусайнгина узок йиллар мобайнида Эроннинг минтақадаги қудратини сўндириб турган куч эди. Саддам ағдарилганидан кейин Эронни ўраб турган "темир парда" кўтарилди. Яъни, Ироқнинг бугунги сиёсатида ҳал қилувчи ролларни ўйнаётган шиа ўйинчилари (масалан, бош вазир Моликий, Сеистоний, Ас-Садр, Ҳаким) Саддам таъқибидан қочиб, Эронда муҳожирликда яшаган бўлса, Америка босқинидан кейин яна Ироққа қайтиб келишди. Эрон қўшниси Ироқ орқали Сурия, Ливан ва Фаластин каби бошқа ҳудудларда ҳам мавқеини мустаҳкамлаб олди. Ироқ босқинидан кейин Эроннинг иттифоқчилари ХАМАС ва "Ҳизбуллоҳ" сезиларли ҳарбий ва сиёсий муваффақиятни қўлга киритди. 2005 йилдан кейин Суриянинг Ливандаги таъсири аста-секин кучайди.

Эроннинг минтақада бундай мавқеининг қўлга кириши ўз хавфсизлиги ҳақида жиддий ташвишга тушиб қолган Исроилнинг ҳам тинчини бузган. Бу воқеълик эса Фаластин – Исроил масаласини боши берк кўчага киритиб қўйди. Бунинг устига Америка томони 2006 йили эълон қилган докладга кўра, Ироқнинг ишларига араллашиш туфайли бу ерда террорчилик актлари сони нақ етти бараварга ошган.

Ироқ босқини Американинг ички сиёсатида ҳам ўз таъсирини ўтказди. Виетнам урушидан бери ташқи сиёсат соҳасида АҚШ жамиятида энг катта ишончга сазовор партия республикачиларники эди. Ироқда йўл қўйилган хатолар туфайли уларнинг монополиясини синдирди ва бунинг оқибатида республикачилар демократларга ўринларини бўшатишга мажбур бўлишди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш сўровларига кўра, бу ҳолат анъанавий равишда республикачиларни қўллаб келган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг партиядан чиқиб кетишларига сабаб бўлган.

Бироқ, балки Американинг Ироқдаги босқинининг энг муҳим натижаси Американинг келгусидаги ташқи сиёсатида яшириниб ётган бўлиши ҳам мумкин. Чунки Виетнам уруши келтирган жароҳатлар Америкада уруш ва бошқаларнинг ишига араллашишнинг ғанимларидаги душманлик кайфиятини кучайтирди ва ўнлаб йиллар мобайнида бу нарсаси ташқи сиёсий қарорларнинг қабул қилинишига ўз таъсирини ўтказди. Очиқ кўриниб турибдики, Ироқ уруши ҳам Американинг дунё билан муносабатларида ҳали кўп йиллар муҳим мезон бўлиб қолади. Қолаверса, Ироқ уруши ўзининг зўравонлик ғояларини амалга ошириш учун тинч яшаб турган ўлкаларга зулм, вайронгарчилик, ўлим ва парокандалик олиб бораётган янги мустамлакачиларга яхшигина сабоқ бўлса ҳам ажаб эмас!

Интернет материаллари асосида Абу Муслим ва Аҳмад Муҳаммад тайёрлаган.

АРАБ ТАФАККУРИ ХАЗИНАСИДАН

Насибалар

Гоҳида турли яхши нарсалардан бахтсизлар ҳам насиба олиши мумкин. Лекин улар бу билан бахтли бўлиб қолмайдилар. Гоҳида золимларга ҳам замона юз буриши мумкин, лекин улар бу билан абадий бўлиб қолмайдилар.

Сен билмоқчи бўлсанг

Унинг ҳузурида ўрнинг, қадринг қандай эканини билмоқчи бўлсанг, бас, У сени қайси вазифага қўйди ва қандай ишни сенга топширди, шунга қара!

Қачон ҳақиқатлар кашф бўлади?

Қийинчиликлар ониди кишининг паст табиатли экани ошкора бўлади.
Фитналар замонида кишининг теран фикр соҳиби экани кашф бўлади.
Ахлоқдаги сохтакорлик ҳукм чиқариш пайтида намоён бўлади.
Мол-дунё тақсимланаётган пайтда зоҳидлик даъвоси тасдиқланади.
Мансабга минилган чоғда кишининг олижаноб эканини билиб олса бўлади.
Машаққат лаҳзаларида ҳақиқий дўст-ёрни ажратиш олиш мумкин.

Алдаб қўймасин!

Зоҳиднинг кўз ёшларига алданиб қолманг! Унинг кўз ёши дунё қўлидан кетгани учун бўлиши мумкин.
Золимнинг табассумига алданиб қолманг! Бу табассум бўйнингизга кишан солиши учун ҳийла бўлиши ҳам мумкин.
Босқинчининг сулҳига ишониб қолманг! Балки бу уйқуда эканлигингизда устингизга ташланиш учундир.
Хотинингизнинг кўз ёшига ишонаверманг! Гоҳида устингиздан ҳукмрон бўлиш орзуси уни бунга ундаши мумкин.

Эҳтиёт бўлинг!

Гиначи салтанатга эришганида, жоҳил қози бўлганида, пасткашга ҳокимлик текканида, оч одам умидини узганида, сохта воизнинг мухлислари кўпайганида улардан эҳтиёт бўлинг!

Одамлар сени севишлари учун

Одамлар сени севишлари учун уларнинг йўлини бўшатиб бер!
Одамлар сенга инсоф қилишлари учун сен уларга қалбингни оч!
Одамларга сен инсоф қилишинг учун уларга ақлингни оч!

Одамлардан саломат бўлишинг учун улардаги баъзи ҳақларингдан воз кеч!

Ҳамма ҳам...

Қалам ушлаганларнинг ҳаммаси ҳам котиб бўлавермайди.
Қоғоз қоралаганнинг ҳаммаси ҳам муаллиф ҳисобланмайди.
Ибораларни тушунарсиз қилиб сўзловчиларнинг ҳаммаси ҳам файласуф бўлавермайди.
Масалаларни ёдлаганларнинг ҳаммаси ҳам олим эмас.
Лаби пичирлаётганларнинг ҳаммаси ҳам зокир эмас.
Яшаш тарзи зиқ бўлганларнинг ҳаммаси ҳам зоҳид эмас.
От минганларнинг ҳаммаси ҳам чавандоз эмас.
Салла ўраганларнинг ҳаммаси ҳам шайх эмас.
Мўйлаби сабза урганларнинг ҳаммаси ҳам йигит эмас.
Боши эгикларнинг ҳаммаси ҳам мутавозеъ эмас.
Кулаётганларнинг ҳаммаси ҳам масрур эмас.

Ҳамма нарсанинг ўртаси

Аҳлингга нисбатан шиддат ва мулоимлик ўртасида муомала қилиб яшагин!
Одамлар билан гоҳ уларга аралашиб, гоҳида улардан узлатга чекиниб яшагин!
Биродарларинг билан жиддийлик ва ҳазил орасида яшагин!
Шогирдларинг билан виқор ва оддийлик орасида яшагин!
Фарзандларинг билан қаттиққўллик ва меҳрибонлик орасида яшагин!
Солиҳ ҳокимлар билан улар ҳузурига қатнаш ва улардан узоқ бўлиш орасида яшагин!
Қорнинг борасида тўйиш ва очлик орасида муомала қилиб яшагин!
Жисминг билан чарчатиш ва дам олдириш орасида яшагин!
Ўз нафсинг билан бермаслик ва беришлик орасида яшагин!
Роббинг билан қўрқув ва умид орасида яшагин!
Шунда сен бахтли яшайсан!

Арабчадан Анвар Аҳмад таржимаси.

ИСЛОМ, ТАРАҚҚИЁТ ВА МАЪРИФАТ

*(Малайзияда муваффақиятли амалга оширилаётган
"Ислом ҳадари" концепциясининг мухтасар шарҳи)*

Малайзия сўнгги йигирма йил ичида энг замонавий технология асосида ривожланишнинг янги босқичига кирди. Бунда Ислом дини таълимотини бугунги тараққиёт билан уйғунлаштиришга асосланган "Ислом ҳадари" концепцияси ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилаётгани катта самара бермоқда. Мамлакат халқининг орзу-интилишларига жавоб берувчи маънавий-маърифий қарашларни мужассам этган бу ҳужжат 2005 йил 2-4 октябрда Малайзияга ташрифи чоғида мамлакатимиз президенти Ислом Каримовда ҳам қизиқиш уйғотган, Малайзия бош вазири Абдулла Аҳмад Бадавий Ўзбекистон раҳбарига "Ислом ҳадари"нинг мухтасар шарҳи ёзилган рисоласини тақдим қилган эди. Қуйида ана шу шарҳни эътиборингизга ҳавола этаётимиз.

"Ислом ҳадари" миллий тараққиёт ва аҳоли турмуш даражасини юксалтириш масалаларини Ислом арконлари билан уйғун ҳолда амалга оширишни эътибор марказида тутадиган ғоя ва қарашлар мажмуидир. "Ислом ҳадари" бу мақсадларга эришиш учун илм-фанни юксалтириш, ҳар қайси инсон ва бутун миллатни камол топтириш, эзгу-қадриятларга амал қиладиган, тўғри сўз ва ҳалол, қатъиятли, глобал таҳдидларга муносиб жавоб беришга қодир бўлган маърифатли, иймон-эътиқодли инсонларни тарбиялаш учун тегишли шарт-шароит яратиб беришни энг муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Бунинг учун жадал ривожланиб борадиган иқтисодиёт, молия ва савдо тизимини барпо этиш, яхлит ва барқарор тараққиётни вужудга келтириш зарур эканини алоҳида таъкидлайди.

"Ислом ҳадари" янги дин эмас, у янги таълимот ёки янги мазҳаб ҳам эмас. "Ислом ҳадари" - бу Қуръони карим ва ҳадиси шарифда белгилаб берилган, исломий маданиятни шакллантирадиган асл манбалар, муқаддас қадриятларни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилган интилишдир. Агарда ушбу дастур холис талқин ва тўғри идрок этилса, у мусулмонларнинг ҳақ йўлдан боришига хизмат қилади.

Мусулмонларнинг ўз дину диёнатидан чекинмаган ҳолда бугунги замоннинг ҳар қандай таҳдидларига муносиб жавоб беришга тайёр туриши учун масъул бўлган ҳукуматда Ислом ҳуқуқшуносларига ижтиҳод ҳуқуқи, яъни Қуръон ва ҳадисга асосланган, мавжуд шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда ҳукм чиқариш, тегишли диний масалаларни шарҳлаш имкони берили-



ши лозим. Токи бу ҳукм ва шарҳлар ҳозирги тараққиёт эҳтиёжлари ва бугунги талабларга мос бўлсин.

Жамият ҳаётида амалга оширилаётган сиёсат қуйидаги соҳа ва йўналишларда мутаносиб, кенг миқёсда ривожланиш учун хизмат қилиши даркор: инфратузилма ва иқтисодиёт; умумтаълим дастурлари асосида инсоний ресурсларни мустаҳкамлаш; маънавий камолот ва исломий қадриятларни эгаллаш орқали эзгу ғояларни қарор топтириш.

"Ислом ҳадари" қуйидаги ўн тамойилга асосланади:

- Аллоҳга иймон-эътиқодли бўлиш;
- ҳукуматнинг халқ ишончини қозонган, адолатли бўлиши;
- озод ва мустақил халқ;
- илм-фанни эгаллаш;
- барча соҳаларда мутаносиб иқтисодий ривожланиш;
- юксак ҳаёт даражаси;
- миллий озчилик ва хотин-қизлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши;
- маданий ва ахлоқий муҳитнинг яхлитлиги;
- атроф-муҳитни асраш;
- юксак мудофаа қудрати.

Бу тамойилларнинг ҳаётга жорий этилиши биз яшаётган кўпмиллатли ва кўпконфессияли жамиятда турли тоифалар ўртасида ташвиш ва хавотирга ўрин қолдирмайди, балки уларнинг ўзаро ҳамжиҳат яшашининг мустаҳкам кафолатини таъминлайди. Шунингдек, улар ҳозирги замоннинг глобал таҳдидларига қарши туришда мусулмонларга куч-қувват бериш нуқтаи назаридан ишлаб чиқилгани билан ҳам аҳамиятлидир.

"Ислом ҳадари" ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олишга қаратилган концепциядир. У асосий эътиборни мусулмон жамоасининг бугунги юксак тафаккур ва технологиялар мусобақасида орқада қолмаслиги, рақобатга бардош бера олишини таъминлашга қодир бўлган иқтисодий ва цивилизацияни ривожлантириш масалаларига қаратади. Исломий цивилизациянинг барча соҳалардаги буюк мероси ибрат-намуна бўлиб хизмат қилиши ва жамиятни гуллаб-яшнашга, тараққий этишга илҳомлантирадиган ҳаётбахш манба бўлиб қолиши лозим.

Бугунги ҳаётдаги ўзгаришлар, фаолият соҳаси ва қайси сиёсий партия ёки гуруҳга мансублигидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзосидан барча жабҳаларда кенг қамровли, қатъий ва изчил ҳаракатларни кучайтириш ва эскича тасаввур-тушунчаларни ўзгартиришни талаб қилади. Бинобарин, ҳаёт – бу Аллоҳ ризолиги йўлида ҳаракат қилиш, унинг амрига итоат этиш ҳамда барча инсонларни Аллоҳнинг Ер юзидаги вакиллари сифатида тушуниш каби анъанавий исломий тасуввурларни кучайтириш мақсадга мувофиқдир. Айниқса, Исломнинг беш аркони – иймон, намоз, закот, рўза, ҳаж амалларига риоя қилиш билан бирга мусулмон аҳлининг дини, ақлу заковати, ҳаёти, молу мулки ва наслу насабини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ҳаётда доимий ва мунтазам ғалабаларни таъминлаш учун изчил саъй-ҳаракатлар олиб бориш даркор. Мусулмон жамоасининг ҳаётий қобилиятини мустаҳкамлаш, тафаккурини юксалтириш учун унинг исломий эътиқодини ҳар хил номақбул ва салбий таъсирлардан асраш керак. Бугунги дунё ва маданиятни оқилона қабул қилиш зарурати одамнинг ўзидаги ёмон иллатлар, нафс ва ёвузликка қарши кураш олиб боришни талаб қилади. Айниқса, илм-маърифатга интилиш, замонавий фан ва техникаларни эгаллаш, шунингдек, иқтисодий фаолиятдан тортиб ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олишга жиддий ҳаракат қилиш керак. Дунёқараш ва тафаккурдаги бундай сифат ўзгариши маданиятимизнинг узвий бир қисмига айланиши зарур. Ҳозирги босқичда мусулмон жамоасини шакллантиришга қодир бўлган ана шундай ёндашувни қабул қилиш ҳар тарафлама ўринлидир.

Жамиятга шундай исломий тушунчаларни сингдириш лозимки, токи дунё миқёсидаги мураккаб жараёнларда янада фаол ва муваффақиятли иштирок этиш учун бу тушунчалар глобал ғивилизаъия ҳақидаги тасаввурларни тўғри баҳолаш ва шу талабларга жавоб бўладиган қадриятларни мерос қилиб олиш имконини берсин. Барча ижтимоий кафолатлар таъминланган кучли соъиал жамият яратиш учун рақобатга бардошли бўлиш стратегияси сифатида ўзаро дўстлик ва биродарлик руҳини сингдириш ва кенг ёйиш лозим. Жамият ўзига тўқ ва фаровон ҳаётни рағбатлантириши ва бошқаларга қарамликка имкон қадар барҳам бериши даркор. Салбий урф-одат ва қарашлар ислоҳ этилиши, янгича дунёқарашга ўз ўрнини бўшатиб бериши лозим.

Мусулмон жамоаси ўз салоҳиятини шакллантириш

йўлида замонавий билим, маҳорат ва тажрибани ўзига сингдира оладиган жамиятга айланиши лозим. Ислом динида мусулмонларнинг барча соҳалардаги илмларни ўрганиши фарз ҳисобланади. Дунёвий деб аталадиган фанлар ва диний илмлар ўртасида фарқ бор, деган нотўғри тасаввурни ўзгартириш керак. Ислом дини ҳар қайси мусулмон одамнинг илм-фан ва технологияларни эгаллашини, шунингдек, ўз тажриба ва малакасини муттасил ошириб боришини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди. Қуръони каримнинг илм-фан ва технологияларни эгаллаш билан боғлиқ маъноларни ифода этадиган кўплаб оятларини ўрганиш зарур. Барча мусулмон талабалар Ислом дунёсининг Европа Уйғониш даври учун асос бўлган илм-фан ва технологиялар соҳасидаги бекиёс ҳиссасини чуқур англаши керак. Янги, буюк кашфиётлар қилишга қодир мусулмон олимларни кўпроқ тайёрлаш ишларини изчил амалга ошириш лозим.

Бу ўткинчи дунёдаги ҳаёт бамисоли бир саёҳат бўлиб, у биздан жамият олдидаги бурч ва мажбуриятимизни тўғри, очиқ ва сидқидилдан адо этишни талаб этади. Агар дунёқараш ва тафаккури талаб даражасида бўлмаса, одамзот бу дунё неъматларидан тўлиқ баҳраманд бўлолмайди, чунки Аллоҳ таоло инсонни Ер юзида бошқа жонзотлардан устун қилиб яратган. Шу боис одамзот учун илм-маърифат ва касб-хунарларни эгаллаш зарурат бўлиб, у ҳаётда янги марраларни забт этиш имконини беради.

Мусулмонлар жамоаси Исломни тушуниш ва унга амал қилишда бу диннинг кенг қамровли турмуш тарзи ва ғивилизаъия барпо этиш воситаси эканини яхши англаши ва шу асосда ҳаракат қилиши лозим. Соғлом турмуш тарзи бизнинг бу дунёдаги ва нариги дунёдаги бурч ва мажбуриятларимиз ўртасида мувозанат яратади. Ислом дини шунчаки расм-русум ва ибодатлардан иборат эмас. Расм-русум ва ибодатлар фақат у дунё ҳаёти учун зарур. Бизнинг ҳукуматимиз охиратни рад этадиган ва фақат бу дунё ташвишлари билан яшайдиган даҳрийликни қабул қилолмайди. Ислом дунёвий ҳаёт ва охират кунига тайёргарликни уйғунлаштирувчи тизим сифатида яшаши керак.

"Аллоҳ сенга ато этган нарса (бойлик) билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ер юзида бузғунчилик қилишни истама! Чунки Аллоҳ бузғунчиларни (яъни, катта жиноят ва гуноҳи кабираларни содир этувчиларни, золиму зўравонларни, ёмонлик қилувчиларни, порахўрларни) сўймас" (Қасас сураси, 77-оят мазмуни).

"Ислом ҳадари" концепциясининг шарҳи Малайзия бош вазири Датук Сери Абдулла Аҳмад Бадавийнинг Малайзия бирлашган миллий ташкилоти - UMNOнинг мамлакат пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган 55-умумий йиғилишида сўзлаган маърузаси асосида тайёрланди.

Аҳмад МУҲАММАД

ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

(Давомли асарнинг боши 4,5,6,7,8,9,10,11 ва 1434 йилдаги 1,2,4,5-сонларда)

Хуфтон намозини ўқиётган эдим. Ишдан қайтган дадамларнинг нимадир гаплари чиқиб қолган шекилли, икки-уч бор мени чақирдилар. Жавоб ололмагач, кийимларини ҳам алмаштирмай тўғри хонамга кириб келдилар. Илгари ҳеч бундай қилмас эдилар. Нима гаплари бўлса, ташқарига чақириб айтардилар. Эшикни очиб, мени жойнамоз устида кўрдилару лом-мим демай бақрайиб қараб қолдилар.

Хотиржам намозимни тугатдим. Салом бергач, ўрнимдан туриб, дадамларга савол назари билан қарадим. Айтадиган гаплари эсларидан ҳам чиқиб қолган шекилли, эшик тутқичини ушлаганча ҳамон қотиб турар эдилар. Бироздан сўнг ўзларига келиб, тилга кирдилар:

– Бу нима қилиқ, Умид? Намоз ўқияпсанми? Олий маълумотли, оқ-қорани таниган йигит-а? Кимнинг ўғли эканинг мабодо эсингдан чиқиб қолмадими?

– Эсимдан чиқмаган, дадажон! – дея олдим аранг.

– Ҳей бола, нима қилаётганингни тушуняпсанми? Агар намоз ўқиётганингни билиб қолишса, аранг жойланган ишингдан ҳам маҳрум бўласан-ку! Менга ҳам гап тегиб қолиши мумкин. Бобонг ўқимаган бўлсалар, мен ва ойинг ўқимасак, сани ким йўлдан оздирди, ўғлим? – дедилар дадам қизишиб.

– Сени ким йўлга солди, десангиз тўғрироқ бўлармиди, дада! – дедим илк бор дадамларга эътироз билдиришга ўзимда журъат топиб.

– Кимдир миянгни заҳарлаётган кўринади. Ойинг бир ҳафта бурун айтса, ишонмабман. «Ўғлингиз сал бошқачароқ бўлиб қолди, хонасига қамалволиб эскичасига нималарнидир ўқияпти. Яна анавинақа исломистларга қўшилиб кетиб, «аттанг» деб қолмайлик», деган гапига эътибор қилмабман. Ҳали гап буёқда экан-да! Ростини айт, ким санга бунақа зарарли ақидаларни тиқиштиряпти? – дадам шундай дедилару устимга жаҳл билан бостириб келиб, жойнамозимни шартта тортиб олдилар.

Дадамларнинг саволларига жавоб беришга ожиз эдим. Тўғриси айтсам, дилларини оғритиб қўяман, ёлгон гаиргани тилим бормади. Индамай ерга қараб туравердим. Аммо у кишини асло хафа қилмоқчи эмасдим. Ёшлари икки барабар улў бўлса-да, иймон-этиқод масаласида ҳатто менчалик тушунчалари йўқлиги сабабидан ҳолатимни тушунтирмоқчи бўлсам эшитишни ҳам истамаётганлари жиғимга тегаётган эди. Одатда ота-бола сал тортишиб қолсак, дарров ўртага тушиб икки томонни мурсага келтиришга уринадиган ойимлар ҳам ҳозир негадир дераза қанотига суянганча «хаёл суриш» билан банд эдилар.

Вазият кескин эди. Дадамнинг ҳозирги вжоҳатларидан қўрқар эдим. Сабаби, у киши бир ғазабга минсалар асло совутиб бўлмас, гапларини ўтказиш учун ҳамма нарсани осонгина қурбон қилиб юборар эдилар. Мен шу топда қиличнинг дамида юра бошлаган эдим. Этиқодимдан воз кечиш мен учун ўлим билан баробар эди. Аммо отани норози қилиш ҳам табиатимга ёт нарса. Бирор марта сўзларини икки қилмаганман. Буюрганлари нотўғри бўлса ҳам «миқ» этмай бажарганман. Аммо қилич тиғида юриб, узоққа бориш мушкул. Барибир бир томонга қийшаясан, йиқиласан...

Дадамнинг сукутлари назаримда йилга тенг бўлиб кетди. Ниҳоят ғазабларини аранг босиб, ўткир нигоҳларини мендан ўзмай сўз бошладилар:

– Менга қара, Умид! Сани ким чалғитган билмадим у нотўғри йўл танлабсан! Бу қилмишинг билан нафақат ўз карерангни барбод қиласан, бизга ҳам анча-мунча ғавғо орттирасан. Кел, эртароқ фожианинг олдини олайлик, намоз-памозингни йиғиштириб, ҳеч нарса бўлмагандай яна аслингга қайт! Мана, онанг бамаънироқ қиз ахтариб юрибди, ҳадемай тўйингни ҳам қиламиз. Рўзғор ташвишлари бошланиб кетгач, бунақа бемаъни ишларга вақтинг ҳам қолмайди!

– Нималар деяпсиз, дадажон?! Аллоҳ буюрган амалларни бемаъни дейишга қандай тилингиз борди? Уйланишнинг намозга нима алоқаси бор? Намоз ўқиганлар дунёдан тоқ ўтишяптими? Менга келсак, ҳеч қандай сабаб-баҳоналар энди мени ибодатдан тўса олмайди. Қарорим қатъий! Иймон, дин моҳиятини англаб, аслида динсизлик, куфрнинг энг катта фожиа, кулфат эканини тушунганимда мени йўлимдан қайтармоқчи бўляпсизми? Йўқ, дадажон, аксинча мен сизни, ойимни ибодатга киришга чақирмоқчиман! Мен эмас, аксинча сизлар адашувда, нотўғри йўлда эканингизни билдириб, огоҳлантириб қўймоқчиман!

– Ие, ие, жа булбулигўё бўлиб қопсизми,

ўғлим? – дадам қизарган кўзларини ваҳимали чақчайтириб, қўлларини пахса қилиб яна устимга бостириб келдилар. – Менга қара, ҳўв бола, ўша сани йўлдан урган «устоз»нинг ота-онага шунақа қўпол муомала қилгин, деб таълим берганми? Ёки боқиб-катта қилган ота-онангга насихат қилиб ақл ўргатгин, деганми? «Ўзингдан чиққан балога, қайга бораёй давога», дейишганидай пушту камаримдан бўлган бола бугун «бу ишинг тўғри, буниси нотўғри» деб фалсафа ўқиб турса-я! Тушунолмай қолдим... Ё мен ақлдан озганман, ё сан айнигансан! Агар аҳвол шу бўлса, асло сандан рози эмасман!

Дадамнинг «алангаланиб» бораётганларини сезган онам шошиб қолдилар:

– Бўлди, дадаси, кўп қизишманг, яна юрагингиз иш кўрсатиб қўямасин! Умидингиз ақлли бола, ҳаммасини тушунади. Хотиржам гаплашиб оламиз. Мен ҳам йўлга солиб кўраман. Иннайкейин, намоз ўқиса нима бўпти, ана, акангиз ҳам ўқийлар-ку...

Онамнинг сўзлари бўғизларида қолди. Дадам у кишининг қўлларини итариб ташлаб, бир сакрашда яна тепамда пайдо бўлдилар:

– Санлар вазиятни ҳис қиляпсанларми, ўзи?! Менинг обрўйимни, ўзингнинг келажагингни ўйлайсанми? Шаҳардаги баобрў одамнинг ўғли, бунинг устига дипломи юрист аллақаяёқдаги эскича нарсалар билан шуғулланиб юрса, қайси қонунга тўғри келади?

– Аллоҳнинг қонунига тўғри келади, дадажон, – дея олдим аранг.

– Сан менга ақл ўргатма, зумраша! Сан, сан...

Дадам бошқа сўз тополмай қолдилар. Ғазабдан дағ-дағ титраганларича гурс-гурс юриб ойимга эргашдилар. Аламдан, иложсизликдан, қалбимда кечаётган руҳий пўртаналарни ота-онамга тушунтира олмаётганимдан хўрлигим келиб, кўзларимга ёш қалқди.

Аммо мен иймон ҳаловатини туйишга улгурган эдим. Энди мени ҳеч ким топган йўлимдан қайтара олмас, мен кашф қилган оний бир туйғуни мендан тортиб ололмас эди. Кўзларимдан шашқатор оқаётган ёш надомат туфайли юзага келган алам ёшлари эмас, иймон ҳаловатини топганликдан масрурлик кўз ёшлари эди. Ҳозир ҳеч нарсадан уялмай, хижолат бўлмай, бор овозда ўкириб-ўкириб йиғлашга тайёр эдим...

(Қисса шу ерда тугади)

ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ

О'Н ТО'РТИНЧИ САВОҚ

HALOL, POK BO'LING

Assalomu alaykum, ko'zimning nuri, qalbimning sururi aziz bolakaylarim! Bugungi darsimiz halol, pok bo'lish haqida. «Halol» degani o'zi nima? Musulmonlarga yeyishga ijozat berilgan oziq-ovqatlarni «Halol» deb ataymiz. Masalan, odam ishlab, mehnat qilib pul topsa, shunga ovqat, kiyim, kitob sotib olsa, shu halol bo'ladi. Birovni aldab, qo'rqitib pulini tortib olib ishlatga, bu harom, ya'ni foydalanishga yaramaydigan bo'ladi. Chunki Alloh taolo biz – musulmonlarga halol rizq bergan. Shuning uchun doim halol narsalarni iste'mol qilishimiz kerak. Hazrati Payg'ambarimiz ham halol mehnat qilib, shuning orqasidan oila boqishga buyurganlar. Xo'sh, musulmon kishilar uchun nima narsalar harom (yaroqsiz) hisoblanadi? Islom dini shariati yirtqich hayvonlar va parrandalar go'shtini, halol hayvonlarning qonini, ba'zi bir yaroqsiz a'zolarini, o'zi o'lib qolgan hayvonlar go'shtini, cho'chqa-to'ng'iz go'shtini, Allohning nomini aytmay so'yilgan hayvon go'shtini, dinsiz odamlar so'yan hayvon go'shtini yeyishni ta'qiqlagan.

Yana dinimiz aroq-vino kabi mast qiladigan ichimliklarni ichish, giyohvandlik (nasha), qimorbozlik, buzuqlik kabi ishlarni ham harom deb hisoblaydi. Bu ishlarni qilganlar qattiq gunohkor bo'lishadi. Musulmon bolalar, ayniqsa, ichkilik va nashavandlik balosidan ehtiyot bo'lishlari kerak. Bular sog'liqqa, oilaga, jamiyatga juda katta zarar yetkazadi. Hattoki, boshqalar shunday ishlar bilan shug'ullanayotgan joyga yaqin ham bormanglar, xo'pmi, do'mboqchalarim?!

Yuqorida halol va harom nima ekanligini tushunib oldik. Endi poklik nima ekanligini aytib berayin. Dinimiz talabiga ko'ra musulmon bolalari hamisha toza yuvingan, toza kiyingan, pokiza bo'lishlari kerak. Chunki pok odamdan yomonlik chiqmaydi. Pokiza yursangiz tabiatangiz ham

ravshan bo'ladi. Rasululloh alayhissalomning «Poklik – imon belgisi» degan so'zlari bor. Poklik yana namoz uchun ham kerak. Namoz o'qishdan oldin o'zingiz tahorat olib poklangan bo'lishingiz, kiyim-boshlaringiz, joynamozingiz toza bo'lishi kerak.

Pokiza bo'lish uchun nima qilish kerak? Avvalo hojatxona odoblarini bilib oling. U yerga kirganda qiblaga qarab yoki orqa qilib o'tirilmaydi. U joyda gapirilmaydi, biror narsa o'qilmaydi. Bosh yalang, oyoq yalang kirilmaydi. Duch kelgan joylarga, ya'ni ariq atrofiga, axlatxona, qabristonlarga hojat ushatib bo'lmaydi. Hojatxonadan chiqayotganda bulg'anch joylarni chap qo'l bilan yuvib tozalaysiz.

Musulmon bolalar misvok (tish cho'tkasi) bilan har kuni ertalab va kechqurun tishlarini yuvadilar. Tahorat qilganda qo'l va oyoq barmoqlari orasini, burunni, ayniqsa, yaxshilab tozalaydilar. Har juma kuni badanining hamma yeriga suv yetkazib poklanadilar. Buni «G'usl» deyiladi. Qulog'ingizga yana bir gapni aytib qo'yay: yaqinda uig'ayib, yigitcha bo'lib qolganingizda uyqudan turganda yoki ko'cha-ko'ylarda bulg'anib qolishingiz mumkin. Buni kattalar «Ehtilom» deyishadi. Shunaqa paytda ham darrov g'usl qilib oling, xo'pmi?! O'sha katta bo'lgan paytingizda qo'litiqda va kindik ostida mo'ylar paydo bo'ladi. Ulardan ham o'zingizni tozalaysiz. Yana sal o'sishi bilan oyoq-qo'l tirnoqlarini olib turasiz. Qizchalarga qanday poklanishni onalari tushuntirib berishadi. Yuqoridagi vazifalarning hammasi pok bo'lishning belgisi. Ularni doimo bajarishni Payg'ambarimiz hammamizga buyurganlar. Shuning uchun u kishini xursand qilmoqchi bo'lsak, aytganlarini so'zsiz bajarib yurishimiz kerak. Halol, pok bo'lib, u kishini mamnun qilishga intiling, xo'pmi, shirintoylarim?!

ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ...

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, ҳозиргача сайёрамиз яралганидан бери Ер юзиде 15 миллиард одам яшаб ўтган эмиш.

Энг қадимги инсон Африқода яшаган экан. Чад давлатининг шимоли-ғарбида жойлашган Жураб саҳросидан топилган қадимий одам (гуманоид) калла суяги нақ 6 миллион ёшда экан. Ҳабашистон (Эфиопия)да 1974 йили топилган машҳур Люсининг калла суяги "атиғи" 3 миллион ёшда эди.

Қадимги Римда одамлар ўртача 23 йил умр кўришган. Ўтган аср бошида АҚШда инсоннинг ўртача умри 40 йил бўлганди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти мутахассислари ҳисоб-китобига кўра, 2050 йилга бориб Ер юзи аҳолиси 9,3–9,8 миллиард кишига етиши кутилмоқда.

Дунёда аҳоли йилига 80 миллион кишига ёки ҳар сонияда икки кишига кўпаймоқда. Ер юзиде 1804 йили бор-йўғи бир миллиард одам яшаган эди. Иккинчи миллиардга етиш учун 123 йил, учинчисига 33 йил, тўртинчисига 14 йил, бешинчисига 13 йил керак бўлди. 1996 йили жаҳон аҳолиси 6 миллиардди маррадан ҳам ўзиб кетди.

Аҳолиси энг кўп мамлакатларга Хитой (1,5 миллиард киши), Ҳиндистон (1,2 миллиард), АҚШ (298 миллион) киради. Улар ортидан Индонезия, Бразилия, Россия, Япония, Нигерия қувиб кетишяпти. Ҳозир 126 миллион аҳоли яшаётган Нигерияда яна қирқ йилдан сўнг бу рақам 300 миллион кишига етади.

1960 йили дунёдаги ҳар тўрт кишининг бири хитойлик эди, ҳозир тақрибан ҳар бешинчиси, 2050 йилга бориб ҳар етти кишининг бири хитойлик бўлади.

2050 йилда бу борада Ҳиндистон пешқадамликни эгаллайди ва унинг аҳолиси 1,4 миллиард кишига етади. Ҳозир бу ерда йилига

29 миллиондан ортиқ бола туғиляпти.

1772 йили Россия аҳолиси бор-йўғи 6,4 миллион киши эди, шундан 2,3 фоизигина шаҳарларда яшаган.

Энг узоқ умр кўрувчилар ҳозир Японияда – бу ерда ўртача умр кўриш 79 ёш ҳисобланади, энг кам яшайдиганлар Африқодаги Кот д'Ивуар ва Ҳабашистонда – 41 ёш.

Оврупада исландлар 78 йил, АҚШда эса ўртача 75 йилдан умргузаронлик қилишади.

1910 йили Хива хонлиги аҳолиси 500.000 киши бўлган, Бухоро хонлигида 2 миллион киши, умуман Туркистонда 7 миллион киши яшаган.

Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1897 йили 3 миллион 949 минг киши, 1940 йилда 6,5 миллион, 1990 йили 20,3 миллион киши яшаган. Ҳозир мамлакат аҳолиси 28 миллиондан ортиб кетди (2010).

Ўзбекистонда аҳолининг табиий ўсиши йилига 2,2 фоизни ташкил этяпти. Охирги йигирма йилда мамлакатдан салкам бир миллион русийзабон этник гуруҳлар кўчиб кетганига қарамай, 2050 йилгача аҳолининг икки баравар кўпайиши кутиляпти. Мутахассислар ҳисобича, 2010 йилда 28 миллион одам яшаётган республикада 2020 йили – 34,4, 2030 йили – 38,6, 2040 йили – 42,3, 2050 йили – 45,1 миллион киши бўлади.

Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизга яқини йигирма беш ёшга етмаган. Ҳисоб-китобларга кўра, 2005 йили аҳолининг ярмидан кўпроғи меҳнатга лаёқатли ёшда эди.

Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди, улар 16 конфессияга эътиқод қилишади, мамлакат аҳолисининг 80 фоиздан ошиғи ўзбеклардир.